

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

«Химояга рухсат»
“АВТ” кафедра мудири
А.Ш. Мухамадиев

“ _____ ” _____ 2015 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Фильм титрлари учун стоп кадрларни ҳосил қилиш

Битирувчи

(имзо)

Тореев П.К
(Ф.И.Ш)

Раҳбар

(имзо)

Режепов К.Э.
(Ф.И.Ш)

Такризчи

(имзо)

Юлдашев Ж.М.
(Ф.И.Ш)

ХФХ ва экология
бўйича маслахатчи

(имзо)

Қодиров Ф.М.
(Ф.И.Ш)

ТОШКЕНТ 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Факультет: Телевизион технологиялар, кафедра: “Аудиовизуал технологиялар”, Йўналиши(мутахассислик) шифри ва номи: 5320600 – “Аудио-видео технологиялар”

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Кафедра мудири

А.Ш. Мухамадиев

« _____ » _____ 2015й.

Битирув малакавий иш учун

ТОПШИРИҚ

Тореев Парахат Кошмуратович

(талабанинг фамилия, исми, шарфи)

1. Иш мавзуси «Фильм титрлари учун стоп кадрларни ҳосил қилиш»

2. «19»01.2015 й. Б №60-18-сонли буйруғи билан университет бўйича тасдиқланган

3. Яқунланган ишни топшириш муддати 3.06.15 й

4. Ишга керакли маълумотлар раҳбар берган режа асосида лавҳа тайёрлаш

5. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзуви мазмуни (ишланмага тегишли саволлар)

Кириш, кино санъати асослари ва видео монтаж дастурлари, Фильм титрлари учун стоп кадрларни ҳосил қилиш, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экология, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

6. График маълумотлар кетма-кетлиги диплом проектининг слайдлари, видеолар ҳалар.

7. Топшириқ берилган сана 20.01.15

Раҳбар

Режепов К.Э.

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

Топшириқни қабул қилди

Тореев П.К.

(Ф.И.Ш.)

_____ (имзо)

8. БМИ алоҳида бўлимлари бўйича маслаҳат

Бўлим	Раҳбарнинг Ф.И.Ш	Имзо, сана	
		Топшириқ бердим	Топшириқ олдим
Кириш	Режепов К.Э.	20.01.15	20.01.15
Кино санъати асослари ва видео монтаж дастурлари,	Режепов К.Э.	10.02.15	10.02.15
Фильм титрлари учун стоп кадрларни ҳосил қилиш	Режепов К.Э.	15.03.15	15.03.15
ҲФХ ва экология	Қодиров Ф.М.	20.05.15	20.05.15
Хулоса	Режепов К.Э.	25.05.15	25.05.15

9. Ишни бажариш графиги

№	Иш бўлимининг номи	Бажариш муддати	Бажарилиши тўғрисида раҳбар тасдиғи (имзо)
1.	Кириш	20.01.15-9.02.15	
2.	Кино санъати асослари ва видео монтаж дастурлари,	10.02.15-14.03.15	
3.	Фильм титрлари учун стоп кадрларни ҳосил қилиш	15.03.15-20.05.15	
5.	ҲФХ ва экология	20.05.15-24.05.15	
6.	Хулоса	25.05.15-3.06.15	

Битирувчи _____
(имзо)

«_____» _____ 2015й.

Раҳбар _____
(имзо)

«_____» _____ 2015й.

Ушбу битирув малакавий иши Adobe After Effects ва Ulead Video studio дастуриларида фойдаланиб фильм титрлари учун стоп кадрлар ҳосил қилишга бағишланган.

Битирув малакавий ишини бажариш давомида кино санъатининг техникавий ва бадий асослари, тирт тушунчаси ва фильм титрлари учун стоп кадр ҳосил қилишда фойдаланиладиган дастурий таъминотлар имкониятлари ўрганилган ва ушбу дастур асосида ва фильм титрлари учун стоп кадрлар ҳосил қилинган.

Это Выпускная квалификационная работа является сделать частоту остановки для названия фильмов с использованием Adobe After Effects и программного обеспечения Ulead Video Студия

В выпускной квалификационной работе киноискусство технической и основам художественного, Название концепции и фильмах, которые будут использоваться, чтобы остановить частоты программное обеспечение и на основе этой программы и возможность встряхивания, чтобы остановить фильм был создан частоту

This final qualifying work is make stop frequency for title of films using Adobe After Effects and the Ulead Video Studio software

During the final qualifying work of film art technical and basics of artistic, Title conceptions and film credits to be used to stop frequency software and on the basis of this program and the possibility of shaking to stop the film was created frequency

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....6

I БОБ. КИНО САНЪАТИ АСОСЛАРИ ВА ВИДЕО МОНТАЖ

ДАСТУРЛАРИ9

1.1 Кино санъатининг техникавий ва бадий асослари9

1.2 Тирт тушунчаси	31
1.3 Стоп кадр яратишда фойдаланиладиган дастурий таъминот.....	33
I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....	15
II БОБ ФИЛЬМ ТИТРЛАРИ УЧУН СТОП КАДРЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ	42
2.1. Adobe After Effects дастурида фильм титрлари учун стоп кадр ҳосил қилиш	42
2.2 Ulead Video studio дастурида монтаж қилиш жараёни.....	50
II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....	55
III БОБ ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ	56
3.1 Инсон фаолиятининг асосий шакллари ва классификацияси. Фаолият шакллари ва кўринишлари.....	57
3.2 Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ хўжалиги объектларининг турғун ишлашини таминлаш.....	60
3.3 Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар.....	66
ХУЛОСА.....	72
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	77

КИРИШ

Барчамизга маълумки ҳозирги даврда ахборот технологиялари инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Ахборот технологиялари инсон ҳаётида енгиллик ва қулайликлар яратиши ахборот асрида Унинг қанчалик муҳим соҳа эканлигини тасдиқлайди, Унинг ривожланишини таъминлаш эса айнан давлат даражасида олиб борилиши жуда зарурдир. Шунинг учун барча соҳалар замонавий компьютерлар ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидандир. Республикамизда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда: “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун (2003й.), “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида” (2002й.) Президент фармони, “Ахборотлаштириш соҳасида норматив – ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва кўплаб қонунлар, ҳукумат қарорлари ишлаб чиқарилган.

Ахборот технологияларининг ривожланиши нафақат электрон ҳисоблаш тизимлари орқали, балки мультимедия, киноматография ва телевидения соҳаларидаги улкан ўзгаришлар орқали акс этмоқда. Бундай мультимедия тизимидаги ўзгаришлар киноматографияда ва телевиденияда томошабинларга керакли ғояни аниқ ва ҳоҳлаган усулда етказиш имконини бермоқда.

Киноматография ва телевидения соҳасида реклама, ҳар хил роликлар, кўрсатувлар, фильмлар ҳозирда жуда сифатли кўринишда етказилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004-йил 16-мартда қабул қилинган «Киноматография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ кино санъати билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага қаратилаётган

доимий эътибор самарасида давлат ва нодавлат студиялари, кинотеатрлар, янги ташкилий тузилмалар фаолияти кенг йўлга қўйилди. Бу истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, миллий анъана ва қадриятларимиз, бой маънавий меросимиз, буюк аجدодларимизнинг ибратли ҳаёти акс эттирилган асарларни томошабинларга тақдим этишда муҳим омил бўлмоқда.

Долзарблиги. Томошабинларга намоиш этилаётган барча маҳсулотларни сифатини яхшилашда ва ўйланган мақсадни акс эттиришда компьютер графикаси муҳим воситадир. Телемаҳсулотларнинг сифатини ривожланиб бориши эса маҳсулотнинг чиройини ва тасаввурларни картинада аниқ томошабин хохлагандай кўрсатиб бериш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

БМИ нинг асосий мақсади: Видеомонтаж дастурларидан фойдаланиб фильм титрлари учун стоп кадрлар ҳосил қилиш.

БМИ нинг вазифалари:

- Кино санъатининг техникавий ва бадий асосларини ўрганиб чиқиш;
- Тирт тушунчаси билан танишиш;
- Стоп кадр яратишда фойдаланиладиган дастурий таъминотни ўрганиб кўникма ҳосил қилиш;
- Adobe After Effects дастурида фильм титрлари учун стоп кадр ҳосил қилиш;
- Ulead Video Studio дастурида монтаж қилиш.

Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида БМИ нинг долзарблиги, мақсади, қилиниши керак бўлган вазифалар ва боблар бўйича қисқача маълумот берилган.

Биринчи боб кино санъати ва титр тушунчасига бағишланган бўлиб, унда кино санъатининг техникавий ва бадий асослари, титр тушунчаси ва стоп кадр яратишда фойдаланиладиган дастурий таъминотлар ўрганиб чиқилган.

Иккинчи боб фильм титрлари учун стоп кадрларни ҳосил қилиш жараёнларига бағишланган бўлиб, унда Adobe After Effects ва Ulead Video studio дастурларида фильм титрлари учун стоп кадрлар яратилган.

Учинчи бобда эса ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ва экологияга оид маълумотлар берилган.

Хулоса қисмида БМИни бажариш жараёнида бажарилган ишлар ва натижалари келтириб ўтилган.

I БОБ. КИНО САНЪАТИ АСОСЛАРИ ВА ВИДЕО МОНТАЖ ДАСТУРЛАРИ

1.1 Кино санъатининг техникавий ва бадий асослари

Санъатнинг янги тури бўлган кинонинг вужудга келиши ва ривожланиши фан, техника тараққиёти ҳамда унгача бўлган санъат турларининг эришган ютуқлари билан боғлиқдир.

Кинонинг пайдо бўлиши бир қатор кашфиётларнинг ҳам туғилишига сабаб бўлди. XIX асрнинг охирларида одамлар турмушига электр қуввати кириб келди, кимё фани ривожланди, у фотография (сурат олиш)нинг пайдо бўлишига, кейинроқ эса плёнкани ихтиро қилишга (1887 йил) катта хизмат қилди. Бўлажак кино учун Ж. Плато ихтиро этган ҳаракатланувчи расмларга эга бўлган аппарат, Эдисоннинг ҳаракатни плёнкага узатувчи аппарати муҳим аҳамиятга касб этди. Айни вақтда проекцион аппаратни ҳам яратиш юзасидан тажрибалар олиб борилди. Бар қанча мамлакатларда (АҚШ, Германия, Франция, Россияда) кинони кашф этиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган изланишлар олиб борилди ва асосий техникавий кашфиётлар қилинди: суратга олувчи ва кўрсатувчи (съемка ва проекцион) аппаратлар яратилди, махсус киноплёнка ишлаб чиқилди. Худди мана шу нарсалардан ака-ука Л. ва О. Люмьерлар 1895 йил 28 декабрда Парижда “Поезднинг келиши”, “Жикқа ҳўл суғорувчи”, “Боланинг овқатлантириш” номли дастлабки фильмларни суратга олиш ва намойиш учун фойдаландилар. Шу кун кино санъатининг вужудга келиш кўни ҳисобланади.

Кинонинг санъат тури сифатида шаклланишига анъанавий санъатлар ҳам жуда катта ҳисса қўшдилар.

Қадим замонларда жаҳон халқларининг қояларга чизиб қолдирган расмлар, миниатюралар, XVIII ва XIX асрларда эса графиканинг ривожланиши, рангтасвир ва ниҳоят, фотографиянинг пайдо бўлиши-буларнинг ҳаммаси макон ва вақт, ҳаракат ва вақтни бирлаштириш йўллари излаш билан тўлиқ бўлди. Ҳар бир санъат турини батафсил ўрганишда шу муҳим вазифаларни ҳал этишга

интилишни кўрамиз. Масалан, ҳар қандай шарқ миниатюрасининг композицияси унда кечаётган ҳаракатнинг мураккаб изчил уйғунлашувдан иборат бўлиб, бу эса уларнинг муаллифлари ўз асарларида вақтни акс эттиришга интилганликларини кўрсатади.

Кўпгина рассомларнинг ижодида (Домье: “Дон Кихот ва Санчо Пансо”), машҳур француз фотографи Поль Нодарнинг олган расмларида (ҳозир атама билан ифодаланганда) “сериялик”нинг пайдо бўлишини, уларда вақт ва ҳаракат жараёнини тўлиқ кўрсатиб беришга, гавдалантиришга интилишни кўриш мумкин. Жаҳон рассомлари ўз санъатларида шундай ифода воситаларини излаганларки, натижада улар ўзлари ишлаган расмларда ҳаракатни ғоят хилма-хил план ва ракурсларда кўрсатиб беришга эришганлар.

Вақт ва маконда ҳаракат динамикасини тасвирий санъат орқали кўрсатиб бериш йўлидаги тинимсиз изланишларни, масалан, рассомлардан П. Брейгель, И. Репин ҳамда импрессионистлар асарларидан топиш мумкин. Бинобарин, ёш кино ҳам ана шу изланишларга бефарқ бўла олмади, у ўзининг ривожланишида ана шу изланишлар натижаларидан фойдаланди. Кино овозсиз бўлган даврда Унинг тасвирий санъатга яқинлиги, айниқса яққол сезилади. Шунга кўра кўпгинакино назариётчилар кинони тасвирий санъатга мансуб деб ҳисоблашлари бежиз эмас. Масалан, буюк кинорежиссёр С. М. Эйзенштейннинг фикрича, кино тарихи рангтасвир тарихининг бир қисмидир.

Кино ўзигача бўлган барча санъатлар тажрибасини ўзлаштирган ҳолда шаклланди. Бу санъатларнинг ҳар биридан ўзининг ифода воситаларини ривожлантиришга ёрдам берадиган хусусиятларни олишга интилди. Ўзбек бадиий киноси шаклланиши энди бошланиб келаётган 1927 йилда Фитрат ўзининг “Санъатнинг манбаи (келиб чиқиши)” номли мақоласида “кино ҳам театр сингари олтита ажойиб санъат: рақс, мусиқа, адабиёт, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморликдан келиб чиққан: ёки бошқача қилиб айтганда: кино-олтита қадимий ажойиб санъатнинг самарали мевасидир”, деб ёзган эди.

Орадан биров вақт ўтгач кино муайян тажрибага эга бўлди, бу тажриба назарий умумлашмалар қилиш имконини берди ва кино тўғрисида кўплаб

асарлар ёзган С. М. Эйзенштейн ҳам “кинодаги ҳар бир унсурнинг илдизлари бошқа санъатларда ётади”, “чунки киновнинг ўз-ўзидан вужудга келиш назарияси аллақачон ўз умрини яшаб бўлган”, “киновнинг хусусиятларини санъатнинг бир-бирига яқин турларидан кидириш керак”, деб ҳулосалар чиқарган.

Кино ўзининг шаклланишида бир-бирига яқин санъатлардан тажрибаларни сингдириб олганлиги боис қисқа вақт ичида чинакам санъатга айланишига, анъанавий санъатлар билан бир сафга туришга имкон яратилди.

Кино ривожлангани сари Унинг ҳар бир муайян мамлакатдаги бадиий маданият тизими билан муносабатлари мураккаблашиб, чуқурлашиб ўзаро ижодий алоқа, ўзаро ёрдамлашиш хусусиятларини касб этади.

Кино ва адабиёт

Кино ўз тараққиётининг бошлариданок адабиётга мурожаат қилади ва адабий асарларни экранлаштиради. Экранлаштириш эса кинога “ўз қаддини тиклаб “оёққа туриб олиш”имкониятини беради. Адабиётнинг барча тасвир, ифода воситаларидан кино ҳикоя қилиш санъатини, инсон характерини очиб беришни, Унинг жанр бойлигини ўзига мерос қилиб олди. Барча турдаги кинофильмларда адабиёт маълум даражада тадбиқ этилганлигини кўрамиз. Масалан, ҳужжатли кинодаги диктор ўқиётган матн, Унинг услубини фақат фильм сюжети белгилаб бериб қолмасдан, адабиётнинг таркибий қисми ҳисобланган газета ва журнал публицистикасининг таъсири ҳам бордир.

Кино ва театр

Кино дунёга келган пайтда фильмни театрга қиёс қилиб “суратга олинган спектакл”, “плёнкадаги театр” ва шунга ўхшаш кўпгина иборалар, фикрлар пайдо бўлган эди. Гарчи бу таърифлар моҳият нуқтаи назаридан хато ҳисобланса-да, шунга қарамасдан уларда бадиий фильмнинг театрга яқинлиги тўғри очиб берилган эди.

Агар бирон бир спектакл суратга олинадиган, яъни плёнкага тушириладиган бўлса, у ўзига хос барча хусусиятлари билан спектакллигича қолаверади. Бу билан у фильмга айланиб қолмайди, чунки фильм бошқача принциплар (тамоийиллар), қонунлар, воситалар асосида яратилади. Лекин бадиий фильм

инсон образини яратишда актёрлик санъати восита орқали, театрнинг бой тажрибасини ўзига сингдириб олган. ШУнинг учун ҳам дастлабки киноактёрлар театрдан танлаб олинган. Кейинчалик ҳам кўпгина миллий киноматографларда театр актёрлари фильмларда қатнашганлар ва ҳозир ҳам қатнашиб келмоқдалар.

Кино ҳали овозсиз бўлган дастлабки пайтларда актёр ижролари қисман бўлса ҳам театрни эслатиб турган. Бу яққол кўзга ташланиб турувчи грим, кучли мимика, ифодали пластикаларда намоён бўлган.

ШУнингдек кино мизансаҳнани ташкил этиш, ҳар бир кадрда ёруғлик бериш санъатини театрдан ўрганган. Театрдан кинога образ яратишда муҳим элементлардан ҳисобланган декорация, либослар санъати ҳам, нинг аҳамияти кириб келган. Дастлабки пайтларда кино мизансаҳнаси театр мизансаҳнасидан деярли кам фарқ қиларди, чунки фильмлар павильонларда суратга олингани учун шундай бўларди. Декорация санъати гарчи театрдан кириб келган бўлса ҳам, лекин кинода у ўзининг фарқли томонлари билан ажралиб туради. Масалан, фильмда сурати чизилган дераза билан чекланиш мумкин эмас. Дераза табиий бўлиши лозим, акс ҳолда кадрлар мазмУни қалбаки бўлиб қолади.

Кино билан театр бири иккинчисига яқин бўлган санъат бўлса ҳам, улар бир-биридан анча фарқ қилади. Лекин улар доимий равишда ижодий ҳамкорликда бўлади. Мисол тариқасида ўзбек бадиий киносининг тажрибасини ҳавола қилиш кифоядир.

Ўзбек театрларининг актёрлари кинода тез-тез роллар ижро этиб келадилар. Ш. Бурхонов, Ҳ. Умаров, Р.Ҳамроев, М. Ёқубова, Н. Раҳимов, П. Саидқосимов, З. Муҳаммаджонов ва бошқалар кинода кўплаб эса қоладиган қизиқарли образлар яратганлар. Театр актёрлари кинога (у “тилга кирган” вақтда) сўз санъатини олиб кирдилар. Кинодаги нутқ маданияти, албатта театр таъсирини ўзида акс эттиради, чунки театрда сўз қаҳрамон тавсифининг асосий воситаси ҳисобланади. Вақт ўтиши билан кино санъат сифатида камолотга эришгач, Унинг ўзи ҳам театрга таъсир ўтказа бошлади. Бу батамом тушунарли нарсас, чунки бу ҳар иккала санъат бадиий маданият тизимида ўзаро бир-бири билан мустаҳкам боғлиқдир.

Кино ва тасвирий санъат

Кино санъат сифатида шакллана бошлаган пайтдан эътиборан Унинг тасвирий санъатга жуда яқин туриши пайкалган. Бадий кинода қаҳрамон мухитини, фильм вазиятини яратишда амалий санъат муҳим роль ўйнайди. Фильм павильонлардан ташқарига чиққанда, айниқса фильм рангли бўлганда, пейзаж кадрлари пейзажли рангтасвирини эслатади. Тасвирий санъатнинг барча турларига тегишли ифода воситалари кинонинг шаклланишида катта аҳамият касб этган. Бироқ, кино улардан нусха кўчирган эмас. Кино, масалан, кадрни тузишда графика асаридан (оқ-қора кинода), рангтасвир асаридан (рангли кинода) ўтадиган колоритни, фильмнинг тасвирий услубини яратишни ўрганган, бунда меъморчилик алоҳида роль ўйнаган.

Ранг тасвир ва графикадан кино, аникрофи, оператор ёруғлик билан ишлашни, кадр композициясини бадий жиҳатдан ифодали қўйишни ўргатган. Рангтасвир жанри бўлган портрет кинонинг умумий план, ўртача план, йирик план каби ифода воситаларининг ривожланишига таъсир кўрсатган. Йирик планнинг пайдо бўлишида портрет жанрининг роли айниқса аҳамиятлидир. БУни тушУниш учун қаҳрамон йирик планда акс эттирилган кадрни тўхтатиш кифоя қилади. Шунда Унинг рангтасвиридаги портрет асарига яқинлиги аниқ кўзга ташланади. Кино кадр, мизансаҳна тузишда ҳам рангтасвир тажрибасидан фойдаланган. Ҳайкалтарошлик тажрибаси кинога қаҳрамон образини пластик жиҳатдан ҳал этишда ёрдам беради.

Кинонинг тасвирий санъат турлари ва жанрлари билан ижодий алоқаси, уларнинг ҳар бирини ривожланиш даражасига, уларда ҳукмрон бўлган тамойилга, режиссёрнинг ижодий тафаккурию, Унинг визуал ҳис этишига, кинорассомлар ва кино операторларнинг юксак маҳоратига боғлиқ.

Кино ва мусиқа

Мусиқа алоҳида ўзига хос ифода воситалари орқали инсоннинг энг назик ва мураккаб ҳис-туйғуларини, турли воқеа-ҳодисалар моҳияти ва маъносини эшитувчига етказиб бериш хусусиятига эга. ШУнинг учун мусиқа кинонинг овозсиз давридаёқ фильмга “кириб келган. Тапёрлик, яъни пианиночининг экран

ёнида фильмга мусиқа билан жўр бўлиб туриш, амалиётининг кенг ёйилганлиги, фильм мазмУнини эмоционал жиҳатдан бойитиши, қаҳрамонлар ҳис-туйғуларининг тушунарли бўлишини кучайтириши лозим эди. Мусикадан бундай бадиий фон тарзида фойдаланиш тажрибаси овозли кинонинг дастлабки босқичида ҳам сақланиб қолган. Кейинчалик вақт ўтиши билан кинога бастакор жалб қилинди, улар бадиий фильмлар учун махсус мусикалар яратадиган бўлдилар. Мусиқа кинода энг муҳим ифода воситаларидан бирига айланди, фильмларнинг мазмУнини ҳам, қаҳрамонлар образларини ҳам очиб беришга кўмаклашди. Мусикадан киносанъатнинг барча турлари ва жанрларида фойдаланиб келинмоқда. У фильмни, ёрқин ҳис-туйғулар билан бойитади, улар асарнинг мавзуи, ғоясини, режиссёрнинг ниятини янада тўлароқ очиб беради, ниҳоят, экранда рўй бераётган ҳодисаларнинг миллий ўзига хослигини янада яққолроқ намоён қилади.

Кино санъат тури сифатида энди вужудга келган вақтда анъанавий санъат турлари катта тараққиёт йўлини босиб ўтган ва муваффақиятларга эришган эди. бу ҳол кино санъатининг тезроқ ривожланишига имкон берди. Кино бу санъатларнинг тажрибасидан шунчаки нусха кўчириб қолмасдан, бу тажрибалар моҳиятига чуқур кириб борди, уларнинг элементларини ўз хусусиятига имкон борица сингдиришга ҳаракат қилди.

Фильм-бу турли санъатлардан ўзлаштириб олинган ифода воситаларининг мажмуи эмас, балки уларнинг синтезидир, яъни кинонинг ўзига хос хусусиятларига қаттиқ амал қилган ҳолда, у ёки бу санъат турларининг ифода воситалари бир-бирлари билан ўзаро таъсирга киришадилар. Кино бир-биридан синтетик санъат эмаску деган савол туғилиши мумкин. Зеро, бундай санъатга яна театр спектакллари ва опера ҳам киради. Ҳа, булар ҳам синтетик санъатлар, лекин уларнинг ҳар бирида барча ифода воситалари қандайдир битта санъатга бўйсунди: театрда-актёрлик санъатига, операда-мусиқага. Кинонинг барча ифода воситаларини бирлаштириб турадиган асос фақат актёрлик санъати эмас, чунки бадиий кинодан ташқари Унинг бошқа турлари ҳам борки, унда актёр бўлмайди. Кинода бошқа санъат турларидан олинган ва ўзгартирилган ифода

воситалари бир-бирига қўшилиб, Унинг (кинонинг) тасвирий олами асосида синтезлаштирилади. Кинодаги синтез, Унинг асарларидаги ритм ва темп туфайли ҳам юзага келади. Темп ва ритм рақсда ҳам, шеърятда ҳам учрайди, лекин кинода улар орқали ҳаракатдаги вақт ва макон берилади.

Бир-бирига яқин санъатлар фақат бадиий фильмларга эмас, шу билан бирга ҳужжатли, илмий-оммабоп, анимацияли киноларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Ҳужжатли кинога бундан ташқари матбуот, журналистика ҳам ўз таъсирини ўтказган. Масалан, газетадаги очерк ҳужжатли кинодаги очеркни, инсон ҳақидаги очерк кинодаги кинопортретни яратди ва ҳақозо.

Кино анъанавий санъатлар тажрибасини ўрганиб, улар билан бойиб, уларнинг ифода воситаларини синтез қилиш асосида ўзининг ифода воситаларини вужудга келтирди ва тезда чинакам санъатга айланди.

Кино санъати-XX асрнинг буюк кашфиётидир. У чегара билмайди. Бир мамлакат киноматографчилари томонидан яратилган янги кашфиётлар жаҳондаги барча киноматографияларнинг мулкига айланади. Масалан М. Калатозов ва оператор О. Урусевскийнинг “Турналар учмоқда” фильмдаги Бориснинг ўлими эпизодида “айланаётган қайинлар”ни эслайлик. Бу буюк кашфиёт, ихтиро эди. Бу қайинлар ўлаётган кишининг ақли-шууридан лип-лип этиб ўтаётган фикрлар ҳаёлотни шу қадар аниқ-равшан бера олганки, бу кадрлар турли мамлакат режиссёрлари ва операторларининг мулкига айланиб қолди.

Киносанъати яна бир нодир фазилатга эга бўлиб, бу фаолият кўрсатишига алоқадордир. Бу санъат демократик, байналминал санъатдир. У миллати, ёши, маълумоти ва шу қабилардан қатъий назар барчага тушунарлидир. Албатта, ҳар қандай санъатда бўлгани киби кинода ҳам кўпинча ўз поэтикасига кўра мураккаб фильмлар яратилади, бундай фильмларни тушуниш учун томошабинни унга тайёрлаш лозим бўлади. Бу ҳилдаги фильмлар ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки улар ҳамиша қандайдир бир янгиликни ўзида мужассам этадики, у кинонинг санъат сифатидаги тараққиётига ёрдам беради.

Кино санъатнинг турлари

Киносанъатнинг вужудга келиш жараёнида унинг турлари ҳам ривожланди. Кинонинг турлари бир-биридан фильмда гавдаланган материал билан, ифода воситалари билан, уларда илгари сурилган мақсадлари билан фарқ қилади.

Актёрлар иштирокида олинган, ёки бошқача айтганда бадиий кино.

Бу кинонинг пайдо бўлишига француз режиссёри Ж. Мелеьс ижоди асос солди. У ака-ука Люмьерларнинг дастлабки фильмларни кўргач, фильмларни яратишда (ўша вақтдаги фильмлар 5-10 дақиқадан ошмасди) актёрларни жалб қилган ҳолда турли сюжетлардан фойдаланиш ҳам мумкинлигини дарҳол тушуниб етди. Кинонинг бу турида замонавий воқелик, тарихий ўтмиш, турли хил фантастикалар фильмда гавдалантирилиши ва актёр санъати орқали очиб берилиши мумкинлигини ҳаёт тасдиқлади. Фильмни барча таркибий қисмлари (компонентлари)-режиссура, рақом, оператор ва композиторларнинг иши инсон тақдирини, Унинг феъл-атворини, у иштирок этган воқеа ва вазиятларни очиб беришга бўйсундирилди.

Инсон, ўтмиши, ҳозирги куни ва эҳтимол келажаги бадиий кинода тасвирлашнинг асосий объектидир. Кинонинг бу туридаги фильмлар тўламетражли, қисқа метражли ва кўп серияли бўлиши мумкин.

Ҳужжатли кино. Кинонинг бу турида тасвирнинг асосий материали, мавзуи ўтмишда рўй берган фактлар, воқеа-ҳодисалар, ҳозирги замонавий воқеликнинг ўзи бўлиши мумкин. Барча ифода воситалари ҳақиқий воқеаларнинг моҳиятини, фильмга асос қилиб олинган ҳақиқий инсон тақдирининг моҳиятини очиб беришга бўйсундирилади. Бу киносанъат турининг асосий хусусиятлари-тўғрилиқ, ҳақиқийлиқдир. Бу кинонинг фильмлари образлилиги, юксак бадиийлиги билан ажралиб туради.

Ҳужжатли кино ичидан хроникани яъни-бирор воқеа, фактни қисқача изоҳ билан берадиган тезкор киноахборотни фарқлаш керак. Бу фильмларни кинорепортаж деб ҳам аташ мумкин. Кинохроника бугунги кунда телевидениеда кенг оммалашган.

Илмий-оммабоп кино. Кинонинг бу тури учун мавзу илм-фан, меҳнатдаги кишиларнинг кашфиёти, ихтиролари, муҳим, қизиқарли муаммолардан

иборатдир. Бу кино турининг фильмлари орқали илмий кашфиётлар, ихтиролар, ҳақиқатлар, фарзлар оммалаштирилади.

Анимацияли (мультипликацияли) кино. Кинонинг бу туридаги фильмлар ҳар қандай мавзу, муаммо, жанрларда бўлиши мумкин. Болалар ва катталар учун мўлжалланган эртақлар, ҳозирги замоннинг ғоят кескин муаммолари, масалан, экологик муаммолар, тарихий ўтмиш ва ҳақозолар шулар жумласидандир. Бу кино турининг ўзига хос хусусияти-Унинг фильмлари бадиий асосга эга бўлиб, ишланиши чизилган расмни, қўғирчоқ тарзида бўлиши мумкин. Замонавий анимацияли кинода компьютер графикасида кенг фойдаланилади.

Гарчи кинонинг барча турлари ўзига хос ифодавий воситалари билан, мавзу ва материали билан фарқ қилса-да, кўпинча қатъий чегараларга амал қилинмайди. Бадиий фильмда хроника кадрларидан, ҳужжатли кино мультипликацияда эса кўпинча бадиий кино воситаларидан фойдаланилади.

Кино санъатнинг жанрлари.

Кино турларининг жанрлари адабиёт таъсири билан шаклланган. Адабиёт жанрлар эса кўп асрлар мобайнида вужудга келган ва муайян белгилар ҳамда тамойилларга эга. Кинонинг навқиронлик даврида адабий жанрлар бадиий фильмларга ўтган ва режиссёрлар уларнинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилганлар. Бироқ, кино ривожланиб борган сари жанр чегаралари кенгайиб борган. Фильмнинг ғояси, мавзуи, мақсадини, қаҳрамонлар характери чукурроқ очиқ бериш учун бадиий кинола жанрларнинг аралашув содир бўлади. Бу ҳодиса ҳозирги замон киносига ҳам одатий.

Машҳур рус режиссёри Э. Рязановнинг “Автомобилдан сақланинг” номли фильмини эслайлик. Уни комедия жанрига киритиш мумкин, лекин айни вақтда бизнинг олдимизда детектив намоён бўлади. У ёки бу жанрнинг ифода воситалари бир-бирига кўчади, бироқ улар ният ва қаҳрамон характерининг бирлиги билан ягона асарга айланади.

Кинонинг барча турлари жанрларнинг бой бўлиши киноматографчиларнинг янги-янги мавзуларни, сюжетларни, ҳаётий материалларни ўзлаштиришлари билан боғлиқдир.

Кино ижодкор ўз сценарийси ва фильм учун танлаган жанр, ижодкорнинг материалга бўлган муносабатини ҳам, услубини ҳам талқинини аниқ ифодалайди. Жанрда Унинг дунёкараши, бадиий тафаккуринамоён бўлади. Сценарий муаллифи, режиссёр ўз асари учун муайян жанрни танлаши бу фильм драматургиясига асос қилиб олинган материални муайян тарзда инкишоф этиши бу асарнинг бадиий ўлчовини белгиламоқ. Шундай қилиб, жанр режиссёрга ниятини амалга ошириш учун зарур ифода воситаларини танланишини белгилаб беради.

Жанрни танлаш-сценарий муаллифининг ҳам, режиссёрнинг ҳам ишидаги маъсулиятли жиҳатлардан биридир. “Асарнинг жанрга мансублиги юзаки бир хусусият эмас, балки у асарнинг бутун бадиий тўқимасини белгилаб берадиган фазилатдир”. Бу сўзлар эртаклар морфологияси ва жанрларини тадқиқ этган машҳур олим В. Я. Пропп қаламига мансубдир.

Кинонинг ҳар бир турида жанрлар ўз хусусиятларига эгадир. Киносанъати поэтикаси эса жанрлар хусусиятини, улардан фойдаланиш йўллариини белгилаб беради.

Мисол учун рангтасвирдаги ва ҳужжатли кинодаги портрет жанрини таққослаб кўрайлик. Ҳар иккала санъатда бу жанрда бир инсон ҳақида ҳикоя қилинади. Унисидида ҳам, бУнисидида ҳам муаллифлар Ушбу инсоннинг ўзига хослигини, бетакрорлигини кўрсатиб беришга интиладилар. Лекин бунда рассом ҳам, киноматографчи ҳам турли ифода воситаларидан фойдаланадилар. Рассом ўз асари учун композициясидан, колоритдан фойдаланади, эътиборни қаҳрамоннинг кийимига, Унинг деталларига қаратади ва айниқса қаҳрамоннинг чеҳрасини синчиклаб тасвирлайди, бундан мақсад Унинг шахсини ёрқин очиб беришдан иборатдир. Кинода буларнинг ҳаммасига қаҳрамоннинг пластикаси ва албатта, нутқи қўшилиб, образнинг ички дунёсини алоҳида куч билан очиб бериши мумкин. Зеро макон ва вақтдаги ҳаракат кино учун хос бўлиб, портрет жанрида муҳим аҳамиятга эгадир.

Кинодаги жанр қотиб қолган нарса эмас. Улар ривожланиб, янгиланиб боради, айримлари ўтмишда қолиб кетади. Жанр қонунлари бадиий усуллар,

қоидалар мажмуидан иборат. Улар ҳар бир жанр учун зарур, чунки фильм жанрини ривожлантириб янги қонун-қоидалар билан бойитади. Режиссёр ўз ниятини амалга оширишда ифодавий ёрқинликка интилиб баъзан жанр қонунларидан четга чиқиши мумкин. Кўп ҳолларда бУни режиссёрнинг шахси, ўзига хослиги эмас, балки фильмга танланган материал тақазо этади.

Режиссёр Э. Рязанов ўзининг ҳар бир фильмида жанрни янгилашдан иборат махсус вазифани ўз олдига қўймайди, балки сюжетлар қонун-қоидасидан четга чиқишни назарда тутаяди. ШУнинг учун ҳам Унинг машҳур “Карнавал кечаси” фильми айни вақтда ҳам лирик, ҳам ҳажвий комедия ҳисобланади. “Шафқатсиз романс” фильми сатира ва трагедия унсурларига эга бўлган мелодрамалар, “Орзулар осмони” эса-яққол ифодаланган драматик. Лекин режиссёр чегараларини бузиб, уларга комедия ва трагедия оҳанглари киритган.

Жанрларни бир-бирига аралашиб кетиши - бу уларнинг ифода воситалари ва тамойилларини фильмни яратишда вужудга келадиган вазифалар билан боғлиқ равишда ички жиҳатдан қайта жойлаштиришдир. Ҳозирги замон киносида жанрларни аралаш ҳолда ишлатилиши одатий воқеадир. Драматургия, ғоя, режиссура жиддий бўлганда жанрларнинг аралаш келиши ижобий натижалар беради. Масалан, М. Калотозовнинг “Турналар учмоқда” фильмида мелодраматик сюжет трагедияга яқинлашиб қолган визуал узвий бирликда ўзаро муносабатга киришади. ШУнинг учун пластик ечими билан ғоят хилма-хил жанр воситалари фильмга чуқур, бой маъно бағишлайди. Драматургия етарли даражада пишиқ бўлганда жанрни аниқ танлаш, ўзига хос ифода воситалардан фойдаланиш фильмнинг муваффақиятини белгилаб бериши мумкин.

XX аср иккинчи ярмидаги бадиий фильмларда қуйидаги жанрларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Трагедия - Л. Файзиёвнинг “Улуғбек юлдузи”, Г. Козинцевнинг “Қирол Лир”, Д. Кэмероннинг “Титаник” фильмлари;

Драма- (Ш. Аббосовнинг “Сен етим эмассан”, Э. Эшмуҳаммедовнинг “Алвидо, ғўр ёшлигим...”, Б. Флемингнинг “Шамолларда учган ҳисларим”);

Комедия- (Я. Протазановнинг “Насриддин Бухорода”, Н. Ғаниевнинг “Насриддиннинг саргузаштлари”, М. Абзаловнинг “Келинлар кўзғалони”, “Чимилдик” фильмлари);

Мелодрама- (Ҳиндистондаги Бомбей мактаби фильмлари); ШУнингдек, Детектив, саргузаштлар, фантастик жанрларга фильмлар.

Деярли ҳар бир жанрда уларнинг ҳар хил турлари учрайди. Комедия- ўзига хос белгиларга эга бўлган алоҳида жанр бўлиб, у мусикали (Й. Аъзамовнинг “МафтУнингман”), маиший (режиссёр Ш. Аббосовнинг “Маҳаллада дув-дув гап”), ҳажвий (Э. Рязановнинг “Тараж”) бўлиши мумкин. Вазият комедиялар ҳам (Чаплиннинг илк фильмлари) мавжуд. Кинонинг дастлабки-бошланиш пайтларида “пирохон” комедиялар оммалашган эди, бу комедияларда албатта қаҳрамонлар бир-бирига тортлар отишарди.

Ҳужжатли ва илмий-оммабоп кинода портрет, очерк, манзарали фильм, фильм-интервьюлар жанрлари оммалашган.

Анимацион кино эса мавжуд жанрларнинг бутун бойлигини ўзида мужассамлаштиргандир.

Бадий ижодда бўлажак фильмнинг қайси жанрга мансуб бўлиши алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир, чунки у актёрнинг роль ижро этишдаги услуб ва ҳаракат тарзини ҳам белгилайди.

Фильм қайси жанрга мансублигининг аниқлиги Уни томошабин томонидан яхши идрок этилишига самарали таъсир кўрсатади.

Киносанъатнинг таркибий қисмлари

Сценарий-фильмнинг асоси.

Кино санъатнинг ҳар қандай турига оид фильмлар сценарий асосида яратилади. Сценарий-алоҳида шаклдаги адабий асар бўлиб, у шу асосида фильм яратишга мулжаллангандир. Сценарийнинг бу мавқеи кинонинг бутун тарихи ва драматургиясининг ривожини натижасида вужудга келган. Сценарий хусусидаги катта-катта мунозаралар, жаҳон киноамалиётида бу соҳада олиб борилган ижодий тажрибалар кинодраматургиянинг шаклланишига имкон яратди.

Бугунги кунда адабиётнинг кинодраматургия деб аталувчи Ушбу жанрнинг тарихи анча мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Кино тарихининг дастлабки босқичидаги бадиий фильмлар умуман сценарий талаб қилмасди, чунки у фильмлар бор-йўғи 5-7-10 дақиқа давом этардилар. Уларни сюжетларини ёзиб олиш схема ёки планни эслатарди. Кўпинча режиссёрнинг фикри, нияти сюжет вазифасини ўтаб, бевосита фильм съёмкаси вақтида намоён бўларди.

Кинонинг ривожланиб бориш жараёнида бўлажак фильм сюжетини олдиндан ёзиб олишга эҳтиёж туғилади. Дастлабки сценарийлар бўлажак фильм воқеаларини кадрлар бўйича муайян номерлар билан ёзиб олинишидан иборат эди. Бу техник сценарий эди. Кейинчалик кино учун асар ёзадиган муаллифлар театр драматургияси тажрибасига мурожаат қилдилар, шу тариқа сценарийлар пьесага ўхшай бошлади. Тўғри, бундай сценарийларда сўз жуда оз ўрин эгаллаган, чунки у вақтларда кино овозсиз эди. Кино овозли бўлгандан кейин кинодраматургиянинг ривожланиши жадал ҳусусият касб этди.

Бугунги кунда бадиий кино сценарийси тўлақонли асар бўлиб, у кинонинг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ёзилади ва у асосида фильм яратиш мўлжалланади. ШУнингдек сценарий бўйича фильм яратилмаса, Уни одатдаги бадиий асар сифатида ўқиш ҳам мумкин. Сценарий ёзиш учун Унинг муаллифи ўз материални эмас, шу билан бирга кинонинг табиатини, Унинг турларини, хос ҳусусиятини чуқур билиши керак. Масалан, ҳужжатли фильмнинг сценарийси бадиий фильм сценарийсидан фарқ қилади.

Ҳужжатли фильм сценарийсида муаллифнинг материални чуқур мушоҳада қилиш ва баён этиши адабиётнинг очерк жанри шаклида бўлади. Унда диктор ўқиши лозим бўлган матннинг мазмунли ва ифодали бўлишига алоҳида эътибор берилади. Диктор матнни ҳужжатли кинонинг энг муҳим тамойилларидан бири бўлган кузатув услубининг узоқ муддат давом этишига асосланадиган бўлса, бундай ҳолда сценарий ана шу-оддий бўлмаган жараёнга мос қилиб ёзилади. Ҳужжатли кинода монтажли фильмлар сценарийси иш учун зарур бўладиган хроника материалларини кўргандан кейин ёзилади.

Анимацияли фильмнинг сценарийси ҳам бадий фильм сценарийси сингари ёзилади, лекин унда кинонинг бу турига хос бўлган хусусиятлар ҳисобга олинади.

Бадий кинонинг сценарийси аввало пировард мақсади-спектакль қўйиш учун эмас, балки кино яратиш учун мўлжалланганлиги билан фарқ қилади. Бу мақсад сценарийнинг хусусиятини белгилайди. Унда воқеалар вақт ва маконда ривожланиши керак. Бу воқеаларнинг кадрга олиниши кейинчалик монтаж воситасида ягона бир нарсаларга-фильмга “айланади”. Сценарий ёзилаётган вақтда Унинг муаллифи бУни эсдан чиқармаслиги лозим. Акс ҳолда сценарий қуруқ тасвирдан нарига ўтмайди. Шундай қилиб, сценарий муаллифи ўзи яратётган асар асосида фильм қўйилишини унутмаслиги, унда товуш ва тасвирий тизимларни синтезлаштириш зарур. Зеро, ҳақиқий сценарий ҳам ҳар икки тасвир, ҳам товуш қаторларини ўзида бирлаштиради.

Сценарийда муаллифнинг дунёқараши, Унинг бадий тафаккури, киноматографик ҳиссиёти, айниқса ёрқин намоён бўлади. Кинодраматург сценарий ёзиш учун танлаган материални яхши эгаллаб олгач Унинг мавзуи ва ғоясини белгилайди.

Мавзу-бу сценарийда нима ҳақида ҳикоя қилишидир. Биз “уруш ҳақидаги фильм” деганимизда, аввало Унинг мавзуини назарда тутамиз. Мазкур фильмлар шакли, мазмУни бўйича турлича бўлса ҳам ўзининг мавзулари бўйича умумий (бир хил) бўлади. Масалан, Ш. Аббосовнинг “Сен етим эмассан”, Ҳ. Файзиевнинг “Ой бориб, омон қайт”, Р. Ботировнинг “Ўнutilмаган қўшиқ” фильмлар бир-биридан ўзининг аниқ сюжети, қаҳрамонлари билан фарқ қилади, лекин улар битта мавзуга-ўзбек халқининг иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган жасоратига бағишланган.

Ғоя-муаллифнинг (ўз асарида) тасвирланган воқеалар ва қаҳрамонларга қараши, яъни сюжетда ифодаланган нарсаларга муносабатидир. Ғоя сценарийнинг умумий нафасини ва ўзи келтириб чиқарадиган умумий ҳулосани белгилаб беради. Сценарий ғояси қаҳрамоннинг муайян хатти-ҳаракатларида очиқ берилади ва улар фильмдаги узлуксиз ҳаракатини ташкил этадилар.

Сценарийдаги ҳаракат ва қаҳрамонларнинг бадиий ифодали бўлиши учун муаллиф уларнинг ёрқин тузилмаси, яъни композициясини топиши керак.

Сценарий композицияси ғояга мос бўлиши воқеанинг тугУни, ривожланиши, кульминацияси, ечими каби барча тамойилларига риоя қилиниши керак. Зарурат бўлмаган ҳолда композиция таркибий қисмларининг нисбати бузилса, у ҳолда муаллифнинг нияти-асардаги ғоя лозим даражада очилмай қолади. Масалан, тугун ҳажм бўйича асосий воқеанинг ривожидан кўпроқ бўлса, унда композиция таркибий унсурларининг изчизлиги ўзгариб, уларнинг ўрни алмашиб қолиши мумкин. Одатда бундай ҳолга жанр талаби билан ёки материалнинг ўзи шУни тақазо қилганда йўл қўйилади. Масалан, детективда ҳаракат ечим билан бошланиши мумкин, бунда бутун фильм ана шу якунни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш, жиноят ёки ҳатти-ҳаракатни содир этиш асосини қидириш билан ўтади.

Кино сценарийларнинг бундай ноанъанавий композицион тузилмаларини тез-тез учратиш мумкин. Масалан, Р. Ботировнинг “41-йил олмалари” фильмини бунга мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Зеро, бу фильм (сценарийст Д. Холендро) бугунги кун воқеаларидан бошланади. У кекса Отахон тарихининг ўзига хос якУни. Уни тугун деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Чунки Отахоннинг ёшлар билан учрашуви қаҳрамонни ўз хотираларини сўзлаб беришга ундайди. Шу хотиралар фильм сценарийсининг мазмУни-сюжетини ташкил этади.

Фильм мавзуси-уруш, ғояси-ватанпарварлик, халқлар дўстлигидир. Сценарий ва фильмнинг бош қаҳрамони кекса Отахон ўзига ўхшаган яна икки киши билан фронтга жангчилар учун бир эшелон олма олиб боришади. У шбу саргузаштнинг кульминацияси (демак, фильми ҳам кульминацияси) олмаларнинг аскарлар қўлига етиб боришидир. Олмалар совуқда музлаб қолган бўлса ҳам, уларга бу неъматларни етиштирган, терган, жўнатган ва олиб борган кишиларнинг меҳр-муҳаббат тафти илиқлик бағишлаб турибди. Отахоннинг бу ҳикоясини тинглаб ўтирган талаба йигит бунга ишонмайди. Чунки Отахон қаҳрамонлиги йигитнинг қаҳрамонлик ҳақидаги тасаввурларига ҳечам мос келмайди. Талаба Отахоннинг ҳикоясини амалга ошмаган орзу деб ҳисоблайди.

Бироқ у уруш йиллар хроникаси томоша қилиб ўтириб, Отагон аскарлар билан учрашиб, уларга олма топшираётгани, аскарлар эса қувонч билан қабул қилиб олишаётганлари туширилган кадрларга кўзи тушади. Бу ҳол талабани ҳаяжондан ларзага солади. У дунёга, одамларга янгича нигоҳ билан қарай бошлайди. Худди шу нарса бутун сценарий (фильм)нинг якУний ечими ҳисобланади. У томошабинни муайян ҳулосаларга олиб келади.

Замонавий кино драматургия ўз ривожига эришдики, ҳозирги сценарийлар чуқур фалсафий ғояларни ниҳоятда ғайриоддий-мураккаб композицион қурилмаларда гавдалантириши мумкин.

Сюжет-бу, сценарийдаги воқеалар ва қаҳрамонларнинг шунчаки расман бирлашувидангина иборат эмас. Сюжет-ана шу воқеалар ва қаҳрамонларни таҳлил этиш воситаси ҳамдир. Воқеалар занжирининг ўзи эса фабуладан иборат. Фабула, масалан, қаҳрамон характери ни чуқур очиб бермайди. Бундай очиб бериш сюжетда рўй беради. Демак, сюжет фабулага таянади, лекин шак-шубҳасиз ундан бойроқдир. Сюжет одатда бир қанча эпизод-блоклардан ташкил топади. Ҳар бир эпизод қатор сахналарни ўз ичига олади. Эпизод ҳам ўз композициясига эга бўлади.

Сценарий сюжети бир қатор зарур унсурларга эга бўлиб, улар ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз.

Сценарий сюжети асосини драматургик конфликт ташкил этади.

Конфликт-бу турли қаҳрамонлар манфаатлари ўртасидаги кураш, тўқнашувдир. Конфликтнинг мазмУни эса у ёки бу зиддиятлардан иборат. Конфликтсиз сценарий (кинодраматургия) бўлиши мумкин эмас.

Кинонинг айрим жанрларида сюжет ва унинг композицияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Жанрлар кўпинча сценарийнинг тузилишига хос бўлади. Жанрлар бобини эсга оладиган бўлсак, бУни тушУниш мумкин. Агар детективда сюжет, Унинг композицияси мазкур жанр учун хос бўлган барча унсурлари кўпроқ сақланадиган бўлса, драма биз жанрларнинг кўпроқ аралаш ҳолда бўлганини кузатамиз, шу сабабли улар сюжетнинг композицияси айниқса бойлиги билан ажралиб туради. Сценарий материални ташкил этиш шакли

бўлган сюжет тузилиши бир жойда турмайди, у ривожланиб, мураккаблашиб боради, бу эса кинодраматургиянинг шак-шубҳасиз ривожланаётганидан далолат беради.

Сценарий ёзишнинг муҳим жиҳатларидан бири бу муаллифнинг сўз устида ишидир. Театрдан фарқли ўлароқ, кинода сўздан тежаб-тергаб фойдаланилади, чунки кўп нарсалар кинода тасвир воситалари орқали ифодаланади. Кинода сўз барча киноматографик ифода воситалари билан мустаҳкамланади ва у худди театрдаги каби қаҳрамон феъл-атворини очиб беради. Ҳатти-ҳаракат учун туртки бўлиб хизмат қилади, сахна ва ҳар бир эпизоднинг вазиятини ҳамда руҳиятини акс эттиради. Қаҳрамоннинг тили ўзига хослиги актёрга ўзи ижро этадиган образ устида ишлашида ёрдамлашади, Унинг ички оламини тушуниб олишда кўмаклашади.

Сценарийнинг сўзи устида ишлаш кинодраматург ижодидаги энг мураккаб жараёндир. Қаҳрамонлар нутқидаги монологлар ва савол-жавоблардаги ҳар бир сўз қатъий ишланган бўлиши даркор. Сўз қаҳрамон ҳатти-ҳаракат беағини эмас, балки таъсирчанлиги билан Унинг ички ғалаёнларни, кечинмаларини ўзида мужассам этиши лозим. Бадий юки бўлмаган кўпсўзлик кинога тўғри келмайди. Ҳатто монологлар қисқа-лўнда ва туб маъноли бўлиши керак. Акс ҳолда роль қизиқарли чиқмайди. Сценарийда, сўнгра фильмда сўз ўз мантиқига эга бўлмоғи ва Унинг ҳар бир қатъий заруратидан келиб чиқиб ишлатилмоғи керак. Бусиз сўз киноасарида ўз маъносини йўқотиб, воқеалар ривожини, қаҳрамонлар характеридаги шиддатни тўхтатиб қўяди. Бадий фильмда экран ортидан матн жаранглаши ҳам мумкин. У одатда воқеаларни, қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракатларини шарҳлайди, тушунтиради. Бундай нутқ эса фильмга, демакки томошабинга ҳам кўтаринки руҳ бағишлайди.

Сўз ва тасвирнинг боғлиқлиги-киносанъатнинг бошқа турларидан фарқанишини кўрсатувчи муҳим жиҳатлардандир. Фильм яратиш жараёнларида, жаҳон киносининг мумтоз назарий асарларида ҳамда киношунослар тадқиқотларда бу масала кўп ўрганилган. Кинода сўз билан тасвир

боғлиқлигининг тўлақонли ижодий ечимига эришиш фильмнинг киноматографик савияси ва бадиий таъсирчанлигини белгилайди.

Ҳозирда кино санъати адабиёт асарини намоиш этиш йўлидан Уни ҳикоя қилишга, ўз тасвир воситалари орқали сюжетнинг ўзига хос томонларинигина эмас, Унинг услубини ҳам беришга ўтган. Бу энг аввало кинодраматург зиммасига қийин вазифа юклайди. Бунда кинодраматург, ижоди ўзига яхши таниш, тушунарли ва севимли бўлган муайян бир ёзувчининг асарини танлайди. Асар бадиий савиясидан қолишмайдиган сценарий яратиш энди ёзувчи эмас, кинодраматург маҳоратига боғлиқ бўлади. Экранлаштириш-кинонинг маъсулиятли жанридир. Асарни экранга ўчиришга жазм қилган сценарий муаллифи ва режиссёр китобхоннинг сезгир нигоҳи остида бўладилар, чунки улар фильмни асл манбаи билан солиштирадилар. Экранлаштирувчи муаллифлари маҳоратлари етганча фильмни адабий асарга яқин бўлишига ҳаракат қиладилар.

Экранлаштиришда риоя қилиш зарур бўлган қатъий қонун-қоида йўқ. Лекин, адабий асар воқеалари ва қаҳрамонлар замонавийликка кўчирилганда, (япон режиссёри А. Куросава Ф. Достоевскийнинг “Телба” асари асосида яратилган фильмни эслаймиз), Унинг ўзига хос ва бетакрорлигини янги драматургик услубида ҳам сақланиб қолиши ғоят муҳим эканлигини жаҳон кино тажрибаси кўрсатади.

Экранлаштирилган фильмларнинг титрларида кўпинча “асосида”, “бўйича” деб алоҳида уқтирилган сўзларни ўқиймиз. Бу кинодраматургнинг адабиёт асарини кино тилига мослашда эркин йўл тутганидан далолат беради. Айрим экранлаштиришларда адабиёт асарининг айрим сюжет йўналишини ёки алоҳида қаҳрамонларини танлаб олиб, сюжетга айрим ўзгаришлар киритиб ишлашлар ҳам учраб туради.

Кино усталарининг адабиёт асарларига мурожаат этишларининг кўплаб объектив ва субъектив сабаблари бор.

Сценарийда ва сўнгра фильмда худди қиссадаги каби кулги ва фожеа, соддалик ва риёкорлик, хурсандчилик ва шафқатсизлик бир-бири билан

чамбарчас боғланган ва шу ҳислат нафақат бош қаҳрамон ҳамда Уни ўраб турган муҳитни, балки воқеа содир бўлаётган даврнинг ҳам ўзига хос жиҳатларини очиқ беришга хизмат қилган.

Кинонинг барча турларига молик сценарийлари ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Сценарийсиз, курук импровизация билан қизиқарли, мазмунан теран фильм яратиш бўлмайди. Сценарийнинг бошланишидаёқ бўлажак фильмнинг мазмун ва ғояси, образлари ўз ифодасини топтоғи керак. Фильмни яратиш жараёнида сценарийдаги у-бу деталларга, образларга аниқлик киритилиши мумкин, аммо тубдан ўзгартирилмаслиги керак, акс ҳолда у бутунлай бошқа сценарийга айланиб қолади.

Кинодраматургия равнақи, савиясининг ўсиши кино санъатининг ривожланиши билан боғлиқ.

Кинода мусиқа

Бугунги кино санаътини мусиқасиз тасаввур этиш қийин. Унинг қайси бир (бадий, хужжатли, илмий-оммабоп, анимацияли) турида бўлмасин мусиқага эҳтиёж кучли. Фильмнинг таъсирчанлиги бадий ифодалилиги унда ярграган мусиқага ҳам боғлиқдир.

Фильмдаги мусиқа тасвир билан ўзаро мураккаб муносабатга киришади. Бу жараён асл мақсадидаги уйғунлашувга эришилса, демак постановкачи-режиссёр ўз ниятларидан бирига эришган, мусиқа ўз вазифасини аъло даражада бажарган, фильм драматургиясининг умумий тузулишига ижобий таъсир этган бўлади. Чунки тасвир билан уйғун ҳолда бирлашган мусиқа фильм мазмуни ва образларини чуқурлаштиради. Бундай мусиқа фильмга алоҳида муҳит, муаян лавҳалар, тасвирига кўтаринки кайфият, бош қаҳрамонга ҳис туйғуларга чуқурлик бағишлайди. Ниҳоят мусиқа фильмни миллий ҳислатлар билан бойитади.

Кино ва мусиқа ўртасидаги муносабатларнинг , Уни фильмни муҳим бир элементи сифатида ишлатилишининг ўз тарихи бор. Кино нафақат ифодали

сўзларга, шовқинларга, балки мусиқага ҳам муҳтож эди. БУни кино санъатининг намоёндалари ҳам , овозсиз фильмлар намоёиш этиладиган кинотеатр эгалари ҳам яхши тушУнишган. Ўша пайтларда дунёнинг барча кинотеатрларида экранга яқин лекин ундан пастроқ жойда тапёр (созанда) пианино чалиб ўтирарди. Бу одам олдиндан фильмни бир кўриб чиққан ва фильм намоёиши чоғида воқеалар мазмунига мос оҳангларда (жўр бўлиб) мусиқа чалган. Турли мусикалардан танлаб олинган хилма-хил оҳангли парчалар созанданинг мусиқани қанчалик яхши билишидан ва дид-фаросатидан дарак берган.

Кинода мусикадан ижодий фойдаланиш муҳим таркибий қисмга айланиши учун мусиқанинг ўзи ҳам самарали раванқ топиши лозим эди. Профессионал мусикада –Унинг симфоник, хор, кантата, оратория, кўшиқ ва бошқа жанрлари яхши қарор топмоғи лозим эди. Кино шундай бир санъатки, унда драматургиядан келиб чиққан ҳолда мусиқанинг ҳоҳлаган жанрига эҳтиёж туғилади.

Кинофильмдаги мусиқа унинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлибгина қолмай, у қаҳрамонлар образини гавдалантиришда жиддий драматургик восита ҳамдир. (Ж.Демининг “Шербург соябонлари”, Г. Александровнинг “Волга-Волга” фильмларини эсланг) .

Демак, мусикадан ижодий фойдаланиш, бевосита фильм савиясини таъминлар экан. Кинода ишлашни ҳоҳлаган композитор кино мусиқанинг ҳаммасини билмаса ҳам, Унинг муҳим ва нозик томонларини билиши шарт. Композитор фильмни бир кўриб олса бас. Тезда унга мусиқа ёзиб ташлайверади, дегувчилар хато қиладилар. Тинч ижодхонада ўтириб, фильмга мусиқа басталаш осон иш эмас. Композитор эркин мавзуга эмас, аниқ бир фильмга куй басталайди. Композиторнинг иш кўлами фильмнинг умумий драматургияси ва айрим эпизодлари, ўз характери-хусусиятларига эга қаҳрамонлари билан чегараланганги. Улар ўзининг аниқ мусиқий ифодасини танлаб қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Кинога мусиқани композитор ёзади. Қайси композиторни фильмга таклиф этиш, Унинг олдига қандай вазифа қўйиш, ҳар бир аниқ ҳолатлар учун мусиқа характери ва Унинг вазифасини белгилаш постановкачи-режиссёр зиммасида бўлади. Шу боис, ўз мамлакатининг мусиқа маданиятини, композиторлари ижодини яхши билиш режиссёр учун жуда муҳим. ШУнингдек у, композиторлар билан ишлаш, фильм ва мусиқа тайёр бўлгач, уларни маҳорат билан синтезлаштиришдек касбий хусусиятларни тўла эгаллаган бўлиши зарур.

Фильмда мусиқа икки турда - кадр ичидан ва кадр ортидан янграйди. Атамаларнинг ўзиёқ бундай мусикалар фильмда қандай ўрин эгаллашини билдириб туради. Радио ёки телеэкранда янграб турган ҳар қандай куй, қўшиқ ёки бирор асар қаҳрамон айтиш мумкин бўлган қўшиқ кадр ичидаги мусиқа деб аталади. Бу мусиқа кўпинча қаҳрамонни, муҳитни ҳарактерлашга хизмат қилади, содир бўлаётган воқеа-ходисага кайфият бағишлайди.

Кадр ортидаги мусиқа композитор томонидан фильм учун махсус ёзилган мусикадир. Бу турдаги мусиқа (алоҳида ҳоллардан ташқари) симфоник асосларда яратилиб, фильмда шарҳловчи сифатида намоён бўлиши мумкин. Унинг вазифаси эса сюжет ва қаҳрамонлар образларини ривожланишига таъсир этишдир. Кадр ортидаги мусиқанинг Ушбу вазифаси унда лейтмотив бўлгандагина рўёбга чиқиши мумкин.

Фильм мусиқаси кўпинча ижодкорнинг воқеаларга ва қаҳрамонларга бўлган муносабати белгиси бўлиб хизмат этади. Ю.Розиқовнинг “Воиз” фильмидаги кадр орти мусиқаси (ҳикоя қилувчи) бош қаҳрамон неварасининг ўз бувасига, у билан боғлиқ бутун воқеа-ходисаларга бўлган муносабатини аниқ ифодалаб беради. Д.Янов-Яновский мусиқасининг бошланишида биз кинояли оҳангларни эшитамиз ва айни пайтда айрим лавҳалар оҳангларида неваранинг бувасига нисбатан илк меҳри ва табассумини сезгандек бўламиз. Аста-секин фильмдаги мусиқа фожеавий тус олиб, бош қаҳрамонга нисбатан ачиниш ва ҳамдардлик туйғуларини уйғотади.

Шу тариқа кадр ортидаги мусиқа фақат композитор томонидан ёзилгани учунгина эмас, балки фильм ижодкорларининг муносабати нуқтаи назарларини

ифода этганлиги учун ҳам муаллифли саналади. Муаллифларнинг фильмдаги воқеаларга, қаҳрамонларга бўлган муносабатлари кадр ичи мусиқасида ҳам ўз ифодасини топиши мумкин.

Кинодаги мусиқа кадр ичида ёки кадр ортида бўлишидан қатъий назар, фильмдаги синтезига қараб қуйидаги вазифаларни бажаради: яъни сюжетда драматургик восита сифатида хизмат қилиши, қаҳрамонлар ҳис-туйғуларини очиш яъни актёр ўйинига ёрдам бериши, муаллиф қарашини ифода этиши, эпизодларни ўзаро боғлаши, имкон даражасида уларни миллий хусусиятлар билан тўлдириши мумкин. Фикр ва туйғуларни беришда ўзига хос воситаларга эга мусиқа томошабинга фильмни тўла тушуниб олишига ёрдам беради.

Фильм мусиқасининг вазифавий кўлами, драматургия, Унинг жанри, режиссёр ғояси билан боғлиқдир. Жанр ҳақида гапирадиган бўлсак, масалан, детектив фильмларда сюжет ривожини кучайтирувчи кадр орти мусиқасидан кўпинча фойдаланилади.

Фильмнинг таркибий қисми бўлган мусиқа, Унинг жамики тасвирий воситалар синтезига, фильмнинг образли қурилмасига, ўз ҳиссасини қўшади, моҳиятининг чуқурлашувига таъсир этади, умумлаштирмалар томон еттаклайди.

Умуман мусиқасиз ҳам фильм яратса бўлади. Бу ҳолда ҳаммаси сценарий муаллифи, режиссёр қарашларидан келиб чиқади. Бундай йўл онгли равишда танланади. Япон режиссёри К.Синдонинг “Ялонғоч орол” фильмида нафақат мусиқа, балки диалоглар ҳам йўқ, бўлса ҳам улар бир неча лўқмадангина иборат. Фильмнинг бутун мазмуни, теран ғояси актёрларнинг ифодали ўйинлари, оғир шароитда яшовчи оила ҳаёти ҳақида шошилмай сўзлаб беришлар орқали яратилади.

Шундай қилиб, мусиқанинг кинодаги роли улкандир. У режиссёрнинг нияти ва Уни қандай талқин этилишига боғлиқ. Мусиқанинг фильмдаги ўрни, савияси композиторга қанчалик боғлиқ бўлса, фильмнинг ифодалилиги ҳам унга шунчалик дахлдордир.

Мусиқа, фильмнинг киноматографик ифодавийлигини таъминловчи тенгхуқуқли компонент сифатида Унинг таркибига киради.

1.2 Тирт тушунчаси

Титрлар кинолар ва фильмларда фойдаланилади. Улар кино бошланишаиди, тақдимотида ёки якунланиш оралиқларида бўлади. Улар шУнингдек субтитр кўринишида кадрлар ичида ҳам бўлиб туради. Субтитрлар чет тилидаги киноларни таржимонсиз тушУнишга ёрдам беради. Титрлар диалог кўринишида ёки ёзув кўринишида бўлиши мумкин. Булар асосан вақтни ўзганрганлиги ёки ҳаракат жойини ўзгарганлигини билдириб томошабинга Ушбу фильмни янада аниқроқ етказиш учун хизмат қилади. Овозли кинода ҳам титрлар ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Овозли киноларда асосан кириш ва якунлов қисмлар учун ишлатилади.

Тўғри титрлар

Титрлар томошабинда фильм тўғрисида аниқроқ маълумотга эга бўлиши учун ишлатилади. Томошабинда тезда ва осонлик билан уларни ўқий олиш имконияти бўлиши керак. Агар у бУни ўқий олмаса демак титрлар ўз вазифасини бажармаган бўлади. Символлар экран оорқасига йўқолиб қолмаслиги керак. Бу айниқса субтитрлар учун ўта муҳим. Титрларни ўқиб чиқиш қанчалик осон бўлиши ҳарфларнинг контрлари фони ва ҳажмларига боғлиқ. Уқувчанлик шУнингдек расмни сифатига ва ТВ қурилмасини сифатига боғлиқ.

Кадр пропорцияси

Экран шакли билан мос келиши учун графиклар 4:3 ҳажмдаги нисбат билан бўлиши керак. Агар диаграмманинг эни 12 бирлик унда Унинг бўйини 9 бирликка тенглаштириш лозим. Тасвирда титрлар ҳаммаси аниқ кўриниши учун у титр рамкасида чиқиб кетмаслиги шарт.

Титрлар учун фон

Титрлар учун мос келувчи фонни танлаш символларга аҳамияти катта.

Субтитрлар

Субтитрлар – видеомаълумотларни матн кўринишидаги шакли бўлиб, улар фильмни ёки видеомаълумотни тасвирга туширилган тилида бўлиши

мумкин. Ёки таржима қилган шакли, баъзида эса қўшимча маълумот тарзида бўлиши мумкин. Масалан, эшитиш қобилияти паст ёки умуман эшитиш қобилиятига эга бўлмаган томошабинларга мўлжалланган. Субтитрларда энг аввало одамларнинг гапи ёки кадрдаги персонажларнинг ҳаракатлари ифодаланади. Одатда субтитрлар матн кўринишида ёки ўртача шифрлар билан ёзилади ва экранда намойиш этилаётган пайтда экраннинг пастки қисмида пайдо бўлади. Субтитр сўзи экранда ҳар қандай кўриш вақтида намоён бўладиган матн деган маънони англатади.

Қўлланилиши

Субтитрлар нафақат эшитиш қобилияти паст ёки умуман эшитиш қобилиятига эга бўлмаган томошабинлар учун муҳим балки, баъзида экранда содир бўлаётган воқеаларга қўшимча маълумот бериш учун қўлланилади. Масалан фильмга муносабат билдириш, қийин терминларни тушунтириш учун ва бошқалар учун фойдаланилади. Субтитрлар кўпинча асл ҳолдаги овоз йўлаклари билан биргаликда фильмларни кўриш учун қўлланилади. Аксарият мамлакатларда бу хорижий фильмларни ва телекўрсатувларни кўриш учун одатий усул ҳисобланади.

1.3 Фильм титрлари учун стоп кадр яратишда фойдаланиладиган дастурий таъминот.

Adobe Premiere Pro дастурида монтаж қилиш

Шахсий компьютер ва Унинг дастурий таъминоти ривожланиши ва такомиллаштирилиши шунга олиб келдики, компьютер ёрдамида олдинлари бажарилмаган вазифа ва ишлар амалга оширилиши мумкин бўлди. Шулар қаторидан компьютер ёрдамида тасвирларни яратиш ва уларга ишлов бериш, яъни компьютер графикаси тушунчаси вужудга келди. Албатта бундан олдин ҳам компьютер графикаси мавжуд бўлган, лекин у асосан дастурлаш тиллари ёрдамида яратиладиган геометрик фигура (шакллар) ва тасвирлар бўлган.

Adobe Premier – фрагментларни рақамлаштириш ва улар орасида кўплаб ўтишлар билан монтаж қилувчи мураккаб дастурий маҳсулот бўлишига

карамай кўпгина телекомпаниялар Ушбу дастурий таъминотдан фойдаланиб келмоқда. Бу битирув малакавий ишида Adobe Premiere Pro да тасвир монтаж қилишни кўриб чиқилади.

Дастур ўрнатилганидан сўнг Start (Пуск) ва асосий менюдан Adobe Premiere Pro танланган ҳолда дастурга кирилади.

Юкланиш амалга ошганидан сўнг Premiere ойнаси ва Унинг диалогли ташриф ойнаси очилади. Бу ойнадаги мос тугмаларни босган ҳолда янги лойиҳани очиш — New Project (Лойиҳа яратиш), мавжуд бўлган лойиҳа файлини очиш Open Project (Лойиҳани очиш) ёки система бўйича ёрдам олиш мумкин Help (Ёрдам). Агарда сиз янги лойиҳа яратиш ойнасини танласангиз у юкланишидан олдин лойиҳани таҳрирлаш давомида талаб қилинадиган ойна параметрларини (кўрсатув ёки лавҳа ўлчами, кадрлар частотаси, кадрлар рақамланиши ва бошқалар) ўрнатишни талаб қилади.

Энди ўзимиз янги лойиҳа яратамиз ва дастур интерфейсини имкониятлари билан танишиб чиқамиз.

1. Таклиф қилинган диалогли ойнадан New Project (Лойиҳа яратиш) танлаш орқали янги лойиҳани очамиз.

2. New Project (Лойиҳа яратиш) янги лойиҳа очилаётганда чап томондаги менюдан Available Presets (Доступные предустановки) ва DV - PAL - Standart 32kHz (Рақамли тасвир - стандарт PAL – Стандарт товуш 32 кГц) пунктни танланг. Бу биз кейинчалик Premiere дастур билан ишлаётганда кўрсатув яратилаётганда PAL форматида иш олиб боришни таъминлайди. Биз бирорта ўрнатишларни танлагандан сўнг ўнг тарафдан Description (Описание) танланади.

3. Лойиҳа номини Name (Номи) матн майдонига ёзилади. Масалан, tuit. Ҳамда бу файлни қаерга сақлаш йўли танланади.

4. Сўнггра New Project (Лойиҳа яратиш) диалогли ойнасидан ОК тугмаси босилади.

Ойна ва закладка

Adobe Premier дастури ўрнатилганидан сўнг асоий ойнада бир нечта кичик ойналар очилади. Бу ойналарнинг ҳар бири кўрсатувни монтаж қилиш учун ўз функцияларига эга. Бу ойналарнинг энг муҳимлари учта, улар:

1. Project (Проект) — лойиҳа таркибини бошқариш учун (тахрирланаётган кўрсатувни ва ташқи файллардан импорт қилинган маълумотларни);

2. Timeline (Монтаж ёки Монтаж столи) — клиплардан (қисқа эпизодлар) ташкил топган вайтинчалик шкалаларни схематик жойлашиши бўйича кўрсатувни монтаж қилиш учун;

3. Monitor (Монитор) — кўрсатув ва клипларни дастлабки кадрлар расмларини кўриш учун, шунингдек, визуаль монтаж учун ишлатилади.

Кўрсатувни монтаж қилишда фойдаланувчи учта ойнадан ташқари экранда яна бошқа бир нечта ишни олиб боришга кўмаклашувчи ойналар палитраси ҳам очилади. Улар қўшимча мақсадларда ишлатилиб монтаж жараёнини осонлаштиришга ва қўшимча маълумотлар чиқаришга ёрдам беради.

1. History (Журнал) —кўриш учун хизмат қилувчи палитра ва кўрсатувни энг охирги ўзгартиришларни бекор қилишга ёрдам беради;

2. Info (Маълумот) — қўшича контекст менюларни чиқарувчи палитра (одатда кўпинча белгиланган объект бўйича маълумот олиш имконини беради).

Premiere да монтаж қилиш жорий клипга аниқ бир амалларни бажариш орқали амалга оширилади. Бу ишларни аниқ бир инструментлар орқали амалга оширилади. Вақтнинг маълум бир вақти учун фақатгина битта асбоб билан ишлаш мумкин. Бу асбоблар махсус Tools палитрасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Premiere нинг интерфейсида келтирилган коситалардан ташқари яна қўшимча палитра ва ойналар мавжуд. Улар кўрсатувни монтаж қилиш жараёнларини осонлаштиради, ёки қўшимча имкониятларни бошқаришга имкон беради.

Бундай қўшимча ойналарга қуйидагилар киради:

1. Effects (Эффектлар) — эффектларни ўтишини қўшган ҳолда клипларга ҳар хил эффектларни қўшиш;
2. Effect Controls (Эффектларни бошқариш) — белгиланган эффектларни бошқариш ва уларни параметрларини ўрнатиш;
3. Title Designer (Титрлар дизайнери) — титрлар билан клипларни таҳрирлаш ва яратиш учун ишлатилади;
4. Audio Mixer (Аудиомикшер) — клипларни товушларини анъанавий микшенларини сошлаш учун.

Adobe Premiere да кўрсатувларни монтажи ва клипларни бошқариш бўйича бу жараёнларни амалга оширувчи Унинг интерфейсида қуйидаги элементлар мавжуд:

1. Юқори меню (menu bar) — Adobe Premiere ойнаси бошида турувчи сатрлар менюси;
2. контекст меню (context menu, pop-up menu) —интерфейснинг ихтиёрий жойида сичқончани босган ҳолда чиқувчи контекст меню. Бу таҳрирлаш учун жудаям қулай бўлиб, керакли жойга Уни ишга туширган ҳолда ҳосил бўлган менюдан лойиҳанинг кейинги ишларини амалга оширишда ёрдам берувчи керакли командаларни олиш мумкин;
3. ойна ва палитралар менюси (window menu) — специфик менюлар бўлиб, Adobe компанияси маҳсулотлари учун хос ва Windows операцион системасида ишловчилар учун жудаям қулай бўлган тугмаларга эга Бу менюлар учбурчакли тугмаларни босиш орқали амалга оширилади. Бундай тугмалар деярли барча палитраларда ва ойналарда мавжуд. Ҳамда улар тугмалар командасини ишга тушириш орқали амалга оширилади;
4. иссиқ тугмалар (shortcuts) — малкали фойдаланувчилар учун жулаям қулайликлар туғдиради. Агарда сиз маълум бир командаларни тез-тез бажарадиган бўлсангиз уларни иссиқ тугмалар орқали бажариш асбоблар панелини чақириб қракисини танлаб олишга нисбатан жудаям қулайликлар туғдиради.

5. ҳар хил сонли параметрларни регулировка қилишда ишлатиш учун мўлжалланган интерфейсининг характерли элементлари яъни регуляторлар параметрлари ва актив ёзувлар. Масалан, шундай ёзувлардан бири Timeline (Монтаж) ойнасидаги жорий кадрда акс этувчи тайм-кодни келтириш мумкин. Актив ёзувларни параметрларини сонли қийматларини клавиатура ёрдамида уларни белгилаш билан ўзгартириш мумкин. БУнинг учун звга сичқонча кўрсаткичи бисилади ва ўзгартирилади. Сичқончанинг ошириш ёки камайтириш параметрларини ўзгартириш асосида мосравишда уларнинг қиймати оширилади ёки камайтирилади.

6. рўйхатлар-интерфейсининг яна бир имкониятларидан бири мураккаб дастурлар учун муҳим саналиб у ёки бу объект параметрлари учун компакт формалар гуруҳини чиқариб беради. Бу рўйхатлар иерархик кўринишда ишлаб чиқилган. Рўйхатни кўринмайдиган қисмини чиқариш учун ўнг тарафдаги учбурчакли тугмани босишни ўзи етарли. Очилган ойнани кўринмайдиган ҳолатга ўтказиш учун ҳам шу тугмани босиш талаб этилади. Бу ҳолатда Унинг йшналиши пастга йўналган бўлади.

Premiere интерфейсида муҳим элементларидан бири сичқонча кўрсаткичидир. Сичқонча кўрсаткичининг кўриниш у қаерда турганига қарб автоматик равишда ҳар хил шаклда ўзгариб боради.

Adobe After Effects 6.0.

After Effects дастурни олдиндан сақланган проект файлларга сичқончани чап тугмачасига 2 мартта босиб юклашингиз мумкин. Бу файллар аер кенгайтгичка эга, масалан, start.aep.

Дастур юкланиши билан экранда янги (бўш) проект билан After Effects илова дарчаси очилади. After Effects илова дарчаси ўз навбатида бир нечта кичик (дочерний) дарчалардан иборат (улар билан кейин таништирамиз). Tip of the Day (кун маслахати) мулокот дарчаси фаол деб ҳисобланади ва унда фойдаланувчига After Effects иловаси билан ишлаш маслахатлар келтирилади. Ушбу мулокотни тўхтатиш учун ОК буйруқни ёки <Enter> клавишани танлаш

кифоя. Агарда, янги маслахатларни кўриб чиқмоқчи бўлсангиз Tip of the Day мулоқот дарчасида Next Tip (кейинги маслахат) тугмачасини босинг.

After Effects юклангандан сўнг маслахатлар дарчасини бекор қилмоқчи бўлсангиз Tip of the Day (кун маслахати) дарчасидаги Show Tips at Startup (Выводить советы при запуске) байроқчасини олиб ташланг.

Project дарчаси. After Effects да ишни Project (Проект) дарчасида берилган ҳаракатлардан бошлаш керак. Ушбу ҳаракатлар монтаж жараёнида фойдаланиладиган дастлабки клип "кирпичик" ва иш натижа "композиция"ларнинг ўзига ҳос кутубхонасидир.

Шу ерда ва кейинчалик клип сўзи билан (Adobe Premiere дастурнинг терминлар аналогиясига кўра) дастлабки медиа-файллар (After Effects да қайта ишлаш учун сиз орқали тайёрланган файллар)ни назарда тутамиз. Кўрсатув термини (After Effects одатига кўра, композиция термини) After Effectsда сизнинг ишларингиз натижасига қўлланади. Иш бошида клиплар олдиндан тайёрланган ташқи файллардан олинади (импорт қилинади). Ишнинг охирида эса яратилган кўрсатув медиа-файлга ёки видеолентага (керакли аппаратуранинг мавжудлигида) ёки бошқа ташқи рақамли видео қурилмасига ўтказилади (экспорт қилинади).

Adobe After Effects дастурида кўрсатув яратиш жараёнини бошқаруви, Adobe Premiere дастуридагидек, проект (project) тушунчасига асосланган. Microsoft Word дастурининг аналогиясига кўра After Effects проект мазмунан Wordда яратилган ҳужжатга мос. Лекин, Wordда матнли ҳужжат яратасиз, After Effects проектида эса – кўрсатув. ШУнинг учун прект бу монтаж бўйича ҳаракатларни ўзига ҳос дастурга ёзиш ва кўрсатувнинг баъзи бир элементларига махсус тасвир эффектларни қўшишдир.

Project (Проект) дарчаси – асосий дарча. Ушбу дарча ўз ичига проектда фойдаланиладиган барча (дастлабки ва натижавий) клипларни камраб олган. Дарча номида проектнинг номи, яъни проект сақланган файлнинг номи келтирилган. Янги проект яратиш ишларининг бошида Project (Проект)

дарчаси бўш ва кейинчалик кўрсатув яратишда керак бўлган дастлабки материалларни тўлдиришга тайёр бўлади.

Project (Проект) дарчасига янги элементни қўшиб кўрамыз. Аниқроғи, янги композицияни, кейинчалик монтаж қилинадиган янги (бўш) кўрсатувни яратамиз. БУнинг учун:

1. Composition (Композиция) менюсида New Composition (Создать композицию) пунктни танлаймиз

2. Composition Settings (Установки композиции) мулоқот дарчасида, параметрларни ўзгартирмаган холда ОК тугмачасини босамиз.

Натижада Project (Проект) дарчасида янги Comp1 (Композиция 1) элементи пайдо бўлади ва автоматик равишда иккита янги Timeline (Монтаж) ва Composition (Композиция) дарчалари хам очилади. Улар ёрдамида яратилаётган кўрсатувни таҳрирлаймиз.

After Effects 6.0 да бир вақтда бир нечта кўрсатувларни таҳрирлаш мумкин. Агарда, масалан, янги композиция яратиш вазифалар кетма-кетлигини яна бир бора бажарсангиз Project (Проект) дарчасининг рўйхатида Comp 2 (Композиция 2) деб номланган янги элемент пайдо бўлади. Худда шу тарзда Comp 3 (Композиция 3), Comp 4 (Композиция 4) ва ҳ.к. кўрсатув ларни яратиш мумкин. Хар бир янги яратилган композиция мустақил равишда Timeline (Монтаж) ва Composition (Композиция) дарчаларда таҳрирланади, ва битта композиция иккинчи композициянинг тузилиш қисми сифатида унга қиритилиши мумкин.

Timeline дарчаси. Timeline (Монтаж) дарчаси дастлабки клиплар ёрдамида кўрсатув яратиш жараёнини бошқариш учун қўлланилади.

Timeline (Монтаж) дарчаси экранда яширинган бўлса, Уни очиш учун, Project (Проект) дарчасинидаги сизга керакли композицияни (бизнинг холда Comp 1 (Композиция 1) элементи) устига сичқонча белгисини обдорган холда икки мартда сичқончанинг чап тугмачасини босасиз. Натижада Comp 1 кўрсатувига тегишли Timeline (Монтаж) ва Composition (Композиция) дарчалар экранда намоён болишади.

Қатламлар фойдаланувчи белгилаган тарзда устма уст жойлашади ва шу тарзда кўрсатув кадрларини яратган холда тасвирлар ҳам жойлашади. Бунда хар хил қатламларга хар хил ёруғлик, маска, спецэффект, анимация ва бошқа элементлар характеристика (хусусият)лари тайинланади. After Effects дастурнинг Ушбу хусусиятлари ва имкониятлари бошқа компьютер видеомонтаж воситалари ичида авзаллигини билдиради. Timeline (Монтаж) дарчасига бир неча қатламларни жойлаштирсак, дарчанинг кўриниши қай тарзда бўлади. Уни китоб варроқлагандек кўришингиз мумкин.

After Effects иловасида ва видео редакторларда умуман жорий кадрнинг ажралиши оддий матнли (Microsoft Word ёки Notepad каби) редакторда яратилган матндаги курсор жойини белгилашга ўхшайди. Жорий кадрнинг тасвирлари Composition (Композиция) дарчада намоиш этилади, ва фойдаланувчи кўрсатув таҳририда фойдаланилаётган барча оперциялар айнан жорий кадрга қўлланилади.

Layer, Footage ва Composition. Composition (Композиция) дарчаси кўрсатувнинг аниқ бир кадрини (статик ёки динамик) акслантириш учун мўнжалланган ва тузилиши ва қўлланиши бўйича, медиа файлларни акс этиш (Microsoft Windows Media Player ёки Apple компаниянинг Quick Time) курилмаларига ўхшайди. Ёрдам берувчи Layer (Слой) ва Footage (Клип) дарчаларни кўриниши ҳам шундай. Фақат улар мос равишда композицияга киритилган қатламлардан бирини ёки натижавий материални кўриш учун мўлжалланган.

Айтиб ўтилган дарчаларнинг бирини очиш учун проектда керакли элементлар (композициялар, қатламлар ва клиплар) олдиндан яратилган бўлиши лозим. Хозирча бизнинг проектимиз битта бўш композицияга эга. Composition дарчаси бўш жорий кадр Comp 1 композицияси билан.

Footage дарчаси композицияни ёки Унинг айрим қатламини ёки тайёр бўлган клипни керакли дарчада очиш учун:

Composition (Композиция) дарчани очиш учун - Project (Проект) дарчасидаги композиция номига икки мартта сичқонсанинг чап тугмачасини

босинг, бунда Composition (Композиция) дарчаси билан бирга Timeline (Монтаж) дарчаси ҳам очилади;

Layer (Слой) дарчани очиш учун - Timeline (Монтаж) дарчасидаги композициянинг керакли қатлами номига икки мартта сичқонсанинг чап тугмачасини босинг;

Footage (Клип) дарчани очиш учун - Project (Проект) дарчасида тайёр бўлган материал (видео- ва аудиофайл, рангли заставка ва ҳ.к) клип номига икки мартта сичқонсанинг чап тугмачасини босинг, Adobe Premiere фойдаланувчиларга Adobe Premiere иловасидаги Composition (Композиция) дарчасига Monitor (Монитор) дарчаси мантикий тўғри келади, Footage (Клип) дарчасига эса - Clip (Клип) дарчаси. After Effects дастури учун Layer (Слой) дарчаси Уникал деб ҳисобланади, чунки фақат унда таҳрирлаш жараёни қатлам бўйича бажарилади.

I БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА


Ушбу боб кино санъати асослари ва видеомонтаж дастурларига бағишлаган бўлиб унда кино санъатининг техникавий ва бадиий асослари, титр тушунчаси ва стоп кадр яратишда фойдаланиладиган дастурий таъминот маълумотлар берилган ўрганиб чиқилган. Ушбу маълумотларга таянган ҳолда фильм титрлари учун стоп кадрлар ҳосил қилиш жараёнларини амалга ошириш бошланган.

II БОБ. ФИЛЬМ ТИТРЛАРИ УЧУН СТОП КАДРЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ

2.1 Adobe After Effects дастурида фильм титрлари учун стоп кадр ҳосил қилиш


Кино фильмлар сурагга олингандан кейин албатта монтаж ишларини амалга оширилади. Монтаж жараёни биринчи бўлиб, фильмда сурагга тушган актёр ва актрисалар исм шарифини титрлар орқали томошабинга ҳавола қилишдан бошланади. Фильм бошидан қизиқарли бўлиши учун монтажёрдан катта маҳорат бталаб қилинади. Монтажёр фильм титрлари учун стоп кадрлар ҳосил қилишда қулай бўлган амалий дастурий воситалардан фойдаланади. Ушбу битирув малкавий ишида Adobe after effects дастури стоп кадр яратишдан ва уни Ulead Video studio дастурида видеомонтаж жараёнилариини амалга оширишдан иборат. Битирув малакавий ишини бажариш мобайнида бир нечта фильмлар титрлари учун стоп кадрлар яратиш амалга оширилган. Бу ишда “San Andreas”(“Razlom San Andres”)нинг керакли кадрларини қирқиб олиш учун Ulead Video studio дастуридан ва стоп кадрларни яратиш учун Adobe After Effect дастуридан фойдаланилди.

Биринчи навбатда After Effects дастури очилади ва New composition яратиб олинади.




2.1-расм. New composition яратиш

Ишга керак бўлган файл (видео, муסיқа ва ҳаказо) лар импорт запроси бўлими орқали чақириб олинади. Бунинг учун расмда кўрсатилган жойга сичқончанинг чап тугмаси икки марта босилади ва қуйидагича ойна ҳосил бўлади. Керакли файл танланади ва импорт тугмаси босилади.



2.2-расм. Файлни импорт қилиш.

Шундан сўнг файл устида ишлаш учун Time line ойнасига файл олиб (сичқонча билан босган ҳолда) ўтилади.




2.3-расм. Time Line ойнаси

Time Line ойнаси бу видео ва аудиоларни вақти ва кўплаб эффектлар, камера, моделлар, расмларни титрларни вақтини кўрсатиб турувчи ойна ҳисобланади. Видеодан титрлар учун стоп кадр ҳосил қилиш керак бўлган қисми топилади. Фильм кадрларини қирқиб олиш учун Roto Brush ускунасини ишга туширилади (ёки клавиатурадан В тугмаси босилади) ва қирқиб олинган кадр катталаштириб сичқончани чап тугмасини босиш орқали Trim Comp to Work Area бўлими танланади.



2.4-расм. Расмларни титрларни вақтини кўрсатиб турувчи ойна

Сўнгра кадрга ключ кадр қўйиб олинади. Иккинчи ойнага ўтиб stop кадр давомийлигига қараб тўғирлаб олинади. Composition бўлимга кириб, composition settingsдан, duration секунддини тўғирлаб ОК босилади. стоп кадр оддий бўлиб қолмаслиги учун видеони озгина қисмини кўрсатиб стоп кадр қилинади. Асосий кадрни қахрамонлар сонига қараб Ctrl+D клавишаси орқали нусха олинади. Ушбу ишлар амалга оширилгандан сўнг ишнинг асосий қисми яъни Roto Brush Tool ёрдамида фильм қахрамонни кесиб олинади. Фильм қахрамонлари кесиб олингандан кейин орқа фонга бошқа бир фон қўйилади.



2.5-расм. Орқа фон ўзгартирилган ҳолат

Ctrl+T ни тугмаларини босиш орқали матн параметрлари ойнасига ўтилди ва шу ойнадан матнга исталган ўлчамда қалинлик, ранг ва кўриниш бериш мумкин. Матн ёрдамида актёр исми ёзилади ва керакли анимация берилади. Анимация бериш учун “P” тугмаси босилиб position бўлимига ўтилади ва матнни ҳаракатланиши учун ключ қўйилади.




2.6 расм. Матн киритиш ойнаси

1-стоп кадр тайёр бўлди. Бошқа актёрларни исми титрлари учун стоп кадр ҳосил қилиш ҳам шу тарз амалга оширилади.




2.7-расм. Титр ёзиш ойнаси

Фильм шапкаси учун фильм номини ёзишда ҳам титрдан фойдаланилади ва титр тайёрланди. Бу position, scale ва rotation бўлимлари орқали амалга оширилади ва титр таёрлаб олинади.




2.8-расм. Фильм шапкаси учун титр ёзиш.

Тайёр бўлган титрларга парчаланиш эффекти берилади. Бунинг учун Effects & Presets бўлимидан Particular эффекти танланади.




2.9-расм. Парчаланувчи эффектли титр

Зилзила эффектли титрни тайёрлаш учун ҳам юқоридаги амал бажарилди ва зилзила эффекти танланади.



2.10. расм. Зилзилали эффектли титр

Файл устида ишлаб бўлингач уни Render қилиш босқичига ўтилади. Бунинг учун Менюлар сатридан Composition буйруғидан Add to Render Queue (Ctrl+M) буйруғи танланади.




2.11-расм. Add to Render Queue (Ctrl+M) буйруғи танлаш




2.12-расм. Loss less тугмаси босиш

Юқоридаги каби рендер ойнаси очилади. Файлни рендер қилишдан олдин созланмалар тўғирлаб олинади ва Loss less тугмаси босилади. Сўнгра қуйидагича ойна ҳосил бўлади.



2.13-расм. Рендер қилиш ойнаси

Фильм учун керакли бўлган файл формати танланади. Сўнгра ОК тугмаси босилади ва файл сақланадиган жой кўрсатилади



2.14-расм. Файлни сақлаш


2.2 Ulead Video studio дастурида монтаж қилиш жараёни

Видео файлга ишлов бериш учун кўплаб дастурлар мавжуд бўлиб ушбу ишда Ulead Video studio дастуридан фойдаланилди. Бунинг учун авваламбор Ulead Video studio дастурини ишга туширилади.




2.15-расм. Ulead Video studio дастурини ишга тушириш.

Video Studio Editor танланади, сўнгра қуйидаги ойна ҳосил бўлади.




2.16-расм. Ulead Video studio дастури ишчи ойнаси

Керак бўлган файл (видео, муסיқа ва ҳаказо) ни чақириб олиш учун Edit қисмига ўтилади. Бунинг учун расмда кўрсатилган жойга сичқончанинг чап тугмаси икки марта босилади ва қуйидагича ойна ҳосил бўлади.




2.17-расм. Edit бўлимини танлаш

Видеофайллар дастурга юклаб олиниш учун File менюсидан Open project танланади ёки клавиатура орқали Ctrl+O тугмаси босилади.



2.18-расм. Видео файлларни юклаш жараёни


Файл персонаж столида пайдо бўлди, сўнгра уни ишчи столига олиб ўтилади. Бунинг учун сичқончани файл устига олиб бориб сичқончанинг чап томонини босиб турган ҳолда ишчи столга олиб тушиб сичқончани қўйиб юборилади.



2.19-расм. Видеофайлларни бир-бири билан улуш жараёни


Кино ичига Adobe After Effect дастури ёрдамида яратилган стоп кадрлар улаб чиқилади. Сўнгра кинога мос келадиган қўшиқни танлаб қўйилади.

Ушбу иш қизиқарли чиқиши учун кинодан астиорлар овози ҳам қирқиб олиб жойлаштирилади ва қўйилган мусиқа тегида эшитилмай қолиб кетмаслиги учун овоз жойлаштирилган қисмидан мусиқа частоталари пасайтирилади, овоз тугагач яна баландлаб қўйилади.




2.20-расм. Аудио файллар билан ишлаш

Кино ҳам тайёр энди бунга 1- Adobe After Effect дастурида тайёрланган парчаланувчи титрни 2- Adobe After Effect дастурида тайёрланган зилзилали титрни 3-бўлиб тайёр бўлган кинони сўнгра 4- After Effect дастурида тайёрланган якуний титр қўйилади .



2.21-расм. Видеофайлларни бирлаштириш

Охирида ишни Effect бўлимига ўтиб ҳар бир объект орасига Fade to Black эффекти қўйиб чиқилади, чунки роликлар ўтиш жараёнида бир бирига қўшилиб кетмайди.



2.32 расм. Видеофайлни сақлаш

Share бўлимига ўтиб Create Video File дан керакли формат танланади ва видеофайл сақлаб қўйилади.

II БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

Ушбу боб фильм титрлари учун стоп кадрлар ҳосил қилишга бағишланган бўлиб унда Adobe After Effects ва Ulead Vidio studio дастурларидан фойдаланиб фильм титрлари учун стоп кадр ҳосил қилинган. Ушбу стоп кадрлар ҳосил қилиш жараёнлари батафсил ёриб берилган.

III БОБ. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ЭКОЛОГИЯ

Инсон ҳаёти жараёнида уни ўраб турган борлиқ муҳити билан узлуксиз алоқада бўлади ва шу билан бирга ҳар доим уни ўраб турган муҳитга боғлиқ бўлиб келган ва шундай қолаверади. Инсон шунинг учун ҳам ўзини ўраб турган атроф-муҳит ҳисобига озиқ-овқат, ҳаво, сув, дам олиш учун зарур моддий нарсалар ва бошқаларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиради.

Атроф-муҳит – инсонни ўраб турган муҳит бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолиятига, унинг соғлиги ва наслига тўғридан тўғри, бирдан уринма ёки масофадан таъсир этишга қобилиятли омилларнинг (жисмоний, химиявий, биологик, информацион, ижтимоий) шартли йиғиндисидир.

Инсон ва атроф-муҳит узлуксиз ўзаро таъсирда бўлиб, доимий ҳаракатдаги «Инсон – атроф муҳит» системасини ташкил этади. Дунёнинг эволюцион жараёнида бу системани ташкил этувчилар узлуксиз ўзгариб борилади. Инсон мукаммаллашди, ер шарининг аҳолиси ва унинг оқими ўсди, жамиятнинг ижтимоий асоси ўзгарди. Атроф-муҳит ўзгарди: инсон ўзлаштирган ер юзи ва ер ости ҳудуди катталашди; табиий табиат муҳити инсоният жамиятининг ўсиб бораётган таъсирини бошдан кечирмоқда, инсон томонидан сунъий яратилган маиший, шаҳар ва ишлаб чиқариш муҳити пайдо бўлди.

Табиий муҳит ўзи етарли бўлиб, инсон иштирокисиз мустақил мавжуд бўла олади ва ривожлана олади. Инсон томонидан яратилган бошқа барча борлиқ муҳити мустақил ривожлана олмайди ва улар пайдо бўлганидан сўнг эскиришга ва емирилишга маҳкум.

Инсоният ўзининг дастлабки ривожланиш босқичида табиий атроф-муҳит билан ўзаро уйғун ҳаракат қилган. Атроф-муҳит асосан биосфера, ер ости, галактика ва чексиз коинотдан ташкил топади.

Замонавий ҳаётда инсонларнинг ижтимоий мавқеларини юксалиш билан бирга уларнинг тинчлигига, соғлигига ва меҳнати хавфсизлигига хавф соладиган омиллар сони ҳам ортиб бормоқда. Маълум шароитда уларнинг

инсонларнинг рухий ҳолатига, организми соғлигига салбий таъсирини кўрсатиши ҳаммага маълум. Шу сабабли инсонларни нафақат уларнинг ақлий ёки жисмоний меҳнат фаолияти давомида балки, яшаш жойида, йўлда ва барча ҳолатларда хавфсизлигини, яхши кайфиятини, меҳнат қобиляти ва иш унумдорлигини таминлаш, соғлиги ҳақида қайғуриш масалаларини ижобий ҳал этиш жуда долзарб масалалардан биридир.

3.1 Инсон фаолиятининг асосий шакллари ва классификацияси.

Фаолият шакллари ва кўринишлари

Ҳар бир инсоннинг ва бутун жамиятнинг меҳнат фаолияти қуйидаги икки асосий турга бўлинади: жисмоний ва ақлий. Ҳар қандай фаолият маълум бир ижтимоий, рухий жараёни назарда тутди. Ҳаммага маълумки, инсон фаолияти натижасида ҳар доим бирор моддий нарсага эришилади. Зеро моддий нарса натижасида фаолиятнинг доираси доимий кенгайиб, мураккаблиги ортиб боради. Инсонни бир вақтда фаолияти билан эҳтиёжи ҳам ривожланиб боради.

Инсон фаолияти - бу ҳар доим ҳаёт уни олдида қўйилаётган муаммоларни ҳал этилишидир. У бу муаммоларни ақлий ва жисмоний фаолияти натижасида ечади. Умуман олганда инсон фаолиятини ақлий ва жисмоний фаолиятларга бўлиш кўп жиҳатдан шартли ҳисобланади. Ақлий фаолият марказий асаб системасига сезиларли даражада юкланиш беради ва меҳнатни кучланганлиги сифатида характерланади. Жисмоний фаолият инсонни мушакларига, скелет мушакларига, юрак-қон томир системаларига ва бошқа физиологик системаларига юкланиш беради.

Замонавий ҳаёт ишлаб чиқаришда жисмоний фаолиятга нисбатан ақлий фаолият улушини ошиб боришини характерлайди. Бундай ҳолатлар ақлий меҳнат билан шуғуллланувчи одамларда ёғ босиш, қон томир касалликлари, умуртқа, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни пайдо бўлишига олиб келади.

Замонавий ишлаб чиқаришда касблар тўрт гуруҳга бўлинади: жисмоний, механизациялашган, автоматлашган ва ақлий меҳнат. Ўз навбатида охириги

иккитасини улуши доимий ўсаётган бўлса, биринчи иккитасиники эса доимий камаймоқда. Мос равишда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаси кенгаймоқда. Аммо инсонни юқори меҳнат унумдорлигини таминлаш учун ақлий ва жисмоний фаолиятини маълум даражада биргаликда олиб бориш зарур. Шу мақсадда ҳар хил тренажерлар, аэробика машғулоти, жисмоний тарбия, югуриш, спортча юришлардан фойдаланиш зарур.

Меҳнат гигиенистлари ва физиологларининг қайд қилишича инсон ўзининг ҳар қандай фаолиятида унинг организмни биоритми меҳнат ва дам олиш режимлари билан мос келса у энг юқори самарадорликка эришиши мумкин.

Ақлий меҳнат билан шуғулланадиган одамларни биоритмининг тадқиқотини кўрсатишига уларнинг меҳнат самарадорлиги эрталаб яхшиланиб, ярим тунда ўзининг энг юқори даражасига етади, сўнгга эса аста-секин ёмонлашиб боради.

Ҳар хил шаклдаги фаолиятда энергия сарфи. Кўп сонли олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, инсон ишлаш жараёнида маълум энергияни сарфлайди ва унинг миқдори фаолият шаклига боғлиқ бўлади. Сарфланадиган энергияга турли касб ва ундаги қўл меҳнатини солиштирма оғирлиги кўпроқ таъсир қилади. Ақлий меҳнат билан шуғулланадиганларда жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганларга нисбатан 2 барабар кўп энергия сарф қилиниши тадқиқотлар натижасида аниқланган. Олимлар энергия сарфини 2 турга бўлади:

- 1) Ростланмайдиган.
- 2) Ростланадиган.

Ростланмайдиган ёки инсон ихтиёрига бўйсунмайдиган энергия сарфлари биринчи ўринда инсоннинг барча органларини, фаолиятини таъминловчи асосий моддалар алманишуви билан боғлиқ. Ўртача статик инсон учун асосий моддалар алмашинувини шартли ўлчов бирлиги қилиб 1 кг оғирлик учун соатига 1 ккал қабул қилинади. Ўрта ёшдаги 70 кг оғирликдаги эркак киши асосий моддалар алмашинувида сарфланадиган энергия сарфи

организм ҳолатига ва ташқи муҳит ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Касалланганда, тушкунликларда асосий модда алмашинуви фаоллашади ва шунга мос равишда энергия сарфи ҳам ошади. Инсон ихтиёри билан сарфланадиган энергия сарфи овқатни ўзлаштириши жараёни билан боғлиқ бўлиб, бунда бир кунда энергиянинг умумий сарфи 10-15 % га ортади. Бу ҳолатда оксилнинг асосий модда алманишинуви энг кўп фаоллашади (30-40%), ёғлар камроқ (4-14 %) ва углеводлар янада камроқ (4-7 %) асосий моддалар алмашинуви юз беради. Ростланадиган энергия сарфлари касбий ишлар, уй ишлари, ҳар хил қизиқишлар, жисмоний тарбия ва бошқа жисмоний меҳнатлар билан боғлиқ бўлиб уларни ҳажмини инсон онгли равишда ростлаши мумкин.

Инсоннинг жисмоний юкланмаганлиги қанча юқори бўлса, энергия сарфи шунча юқори бўлади ва шунга кўп овқатланиш керак бўлади. Фан техника тараққиёти охириги йилларда жисмоний меҳнат ҳажмини нафақат саноат ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқариш сферасида балки, уй хўжалигида ҳам сезиларли даражада қисқариши имконини яратди. Тадқиқотлар натижасида 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган соғлом хотин-қизлардаги энергия сарфи уларнинг меҳнати интенсивлигига боғлиқ бўлиб, кўпроқ ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ишчилар иш куни давомида 2300-2600 ккал, енгил жисмоний меҳнат билан банд бўлганлар 2650-2750 ккал, ўртача оғирликдаги ишларда ишловчилар 2750-2850 ккал, оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган ишчилар 2900-3200 ккал энергия сарфлаши аниқланган.

18 ёшдан 59 ёшгача бўлган эркакларда эса иш куни давомида энергия сарфи қуйидагини ташкил этади: ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ишчилар 2600-2850 ккал, енгил жисмоний меҳнатда 2850-3050 ккал, ўртача оғирликдаги ишда 2950-3250 ккал, оғир жисмоний меҳнатда 3450-3750 ккал, ўта оғир жисмоний меҳнатда эса 3950-4350 ккал. Сарфланган энергияни қопловчи каллориядаги овқатни организм учун истеъмол қилиш зарур бўлади. Агар овқатни каллорияси организм энергия сарфини қопламаса салбий энергия баланси содир бўлади.

Ҳозирги вақтда энергия ва оқсилларни етишмаслиги энергетик баланс деб ҳисобланади. Бунинг натижасида эса оғир касалликлар келиб чиқиши мумкин. Ижобий энергетик балансни хавфсизлиги ҳам кам эмас. Ижобий балансда инсонни овқатланишдан олган энергияси унинг йўқотган энергиясидан ортиқ бўлади. Бундай ҳолат ортиқча овқатланишдан ўта каллорияли таомларни истеъмол қилиш натижасида содир бўлиб оғирликни ошишига, ички организмни ёғ босишига ва бошқа касалликларни, жумладан юрак-қон томири касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид ишларни ташкил қилиш. Корхоналар маъмурияти ва муҳандис-техник ходимларнинг асосий вазифалари меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуи ҳамда “Хавфсизлик йўллари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари” билан белгиланади. Ишлаб чиқаришда шикастланиш ва касб касалликларини камайтириш ҳамда уларнинг олдини олишга оид меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни амалга ошириш, тадбирларига умумий раҳбарлик ҳамда бу ишга жавобгарлик корхона раҳбари унинг ўринбосари-бош муҳандис зиммасига юклатилади.

3.2. Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ хўжалиги объектларининг турғун ишлашини тامينлаш

Халқ хўжалик объектларининг турғунлиги уларни фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирига чидамлилиги, яъни, фавқулодда ҳолатлар шароитида режалаштирилган ҳажмда ва номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш, ишчи ва хизматчилар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини тўлиқ тامينлаш ҳамда ишлаб чиқаришга зарар етган ҳолатларда ўз иш қобилиятини тиклашга мослашиши орқали баҳоланади.

Фавқулодда ҳолатлар вақтида объектнинг турғун ишлашига ташкилий, муҳандис-техник ва бошқа тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш натижасида эришилади.

Ушбу тадбирлар биринчи навбатда ишчилар ва хизматчиларни ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак. Чунки, инсон ресурси ҳамда халқ, хўжалиги

объектларини фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омилларидан ҳимояламасдан туриб, уларни турун ишлашини таъминлаб бўлмайди. Бундай ташқари, объектдаги ишчилар ва объект яқинида яшовчи аҳолини ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таминлашда фавқулодда ҳолатларнинг бузувчи омиллари таъсирида юзага келувчи иккиламчи хавфли омиллар содир бўлиш хавфининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Иккиламчи хавфли омиллар, ички ва ташқи сабаблар натижасида вужудга келиши мумкин.

Халқ ҳўжалиги объектларининг фавқулодда ҳолатлар вақтида турун ишлашини таминлашга қаратилган тадбирлар комплекси ичидан асосий иккита тадбирга, яъни, айнан фавқулодда ҳолатларда ишчи ва хизматчиларни ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таминлаш муаммоларига ҳамда иккиламчи хавфли омиллар ҳосил бўлишини бартараф этишга қаратилган тадбирларга тўхталамиз.

Ишчи-хизматчиларни ҳимоялаш тадбирларига-технологик жараёнларда портлашга ва ёнғинга хавфли ҳамда заҳарли ва радиоактив моддалар ишлатиладиган иш шароитларида иш режимини ташкил этиш; заҳарланиш ўчоғини бартараф этишга қаратилган ишларни аниқ бажариш йўллари бўйича ўқитиш; объектдаги ишчи ва хизматчилар ҳамда объект яқинидаги аҳолига, объектда ҳосил бўлган хавф тўғрисида хабар беришнинг локал системасини ташкиллаштириш ва уни доимий тайёр ҳолатда сақлаш каби ишлар киради.

Фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирида юз берадиган ёнғинлар, портлашлар, заҳарли радиоактив моддаларни муҳитга тарқалиши иккиламчи омиллар жумласига киради. Маълумки, нормал иш шароитида объектнинг хавфсиз ва авариясиз ишлашини таминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилади. Лекин, бу омиллар фавқулодда ҳолатлар вақтида етарли даражада бўлмайди. Шу сабабли, фавқулодда ҳолатларнинг иккиламчи омилларидан ҳимоялашга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Бундай тадбирларга сақланадиган портлашга, ёнғинга хавфли ва заҳарли моддалар заҳирасини минимум даражагача камайтириш; сақлаш омборхоналарини хавфсиз жойда, мустаҳкам қилиб, шамол йўналишини,

ёнгин оралиқлари ва йўлакларини, ёнгинга қарши сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда қуриш; уларни ёнгин ўчирувчи воситалар, захира электр манбалари, алоқа воситалари автомат сигнализация каби воситалар билан таъминлаш ишлари киради.

Фавқулодда ҳолатларда хавфсизлик тадбирларини режалаштириш. Режалаштириш фавқулодда ҳолатлар вақтида ҳаёт фаолият хавфсизлигини таъминлашнинг етакчи функцияси ва марказий звеноси ҳисобланади. Режалаштиришда хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар вақти, ресурси ва тадбирларни бажарувчи шахслар аниқлаштирилади.

Режалаштиришда ҳужжат, режа тузилади ва у қуйидаги қисмлардан иборат бўлади: аниқ кўрсаткичлар (иш тури, тадбирлар); ушбу ишларни бажариш вақти; ишларни бажариш учун зарур ресурслар (тури, сони, миқдори, манбаи); ишни бажарувчи масъул шахс (ҳар бир пункт бўйича); ишни бажарилишини назорат қилиш усули.

Режанинг матн қисми икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда фавқулодда ҳолатлар вақтидаги шарт-шароитларни баҳолаш бўйича хулосалар, иккинчи бўлимда эса фавқулодда ҳолатлар хавфидан аҳолини ҳимоялаш тадбирлари кўрсатилади. Ушбу тадбирларга асосан қуйидагилар киритилиши мумкин, яъни: фавқулодда ҳолат тўғрисида хабар бериш тартиби; кузатиш ва разведкани ташкил этиш; қутқарув ва бошқа муҳим ишларни бажариш учун куч ва воситаларни тайёрлаш; фавқулодда ҳолатлар таъсирини бартараф этиш ёки сусайтириш тадбирлари; одамлар ва моддий бойликларни ҳимоялаш тадбирларини тезкор бажариш усуллари; тиббий таъминлаш, дозиметрик ва химиявий назорат; ишлаб чиқаришни авариясиз тўхтатиш тартиби; одамларни ҳимоялашни ташкил этиш, шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш; эвакуация тадбирларини ташкил этиш; уларни бошқариш; ҳар хил шароитларда қутқарув ишларини ташкил этиш тартиби; юқори ташкилотларга ва фавқулодда ҳолатлар бўйича тузилган комиссияларга ахборот ҳамда маълумотлар бериш тартиби.

Режага турли хил зарур луғавий ва тушунтирувчи характердаги материаллар ҳам илова қилинади. Режа реал қисқа мазмўнли, лекин, тўлиқ ифода этилган, иқтисодий жиҳатдан мақбул бўлиши ҳамда объектнинг барча имкониятларини ифода этиши зарур.

Режанинг реаллиги табиий ва техноген кўринишдаги фавқулодда ҳолатлар вақтида ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитида ҳаёт фаолиятни тامينлаш бўйича системали равишда турли хил машғулотлар ва амалий машқлар ўтказиш йўли билан текширилади.

Фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш. Аварияларда ҳалокатлар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш, мамлакатнинг авария-қутқарув хизматини доимий тайёр ҳолатини тامينлаш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида авариялар ва ҳалокатларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни бажарилиши устидан назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида фавқулодда ҳолатлар қўмитаси тузилган.

Фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этишга қаратилган барча вазифалар босқичма-босқич, аниқ кетма-кетлик асосида максимал қисқа муддатлар ичида бажарилиши лозим.

Биринчи босқичда аҳолини тезкор ҳимоялаш масалалари, фавқулодда ҳолатлар хавфли омилларини тарқалишини чеклаш ва унинг таъсир даражасини камайитиш чора-тадбирлари ҳамда қутқарув ишларини амалга ошириш каби вазифалар амалга оширилади.

Аҳолини тезкор ҳимоялашнинг асосий тадбирларига хавф тўғрисида хабар бериш; ҳимоя воситаларидан фойдаланиш; фавқулодда ҳолатлардаги режимга риоя қилишни тامينлаш; хавфли зоналардан эвакуация қилиш; тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатиш каби ишлар киради.

Фавқулодда ҳолатлар таъсир доирасини чеклаш ва унинг оқибатларини сусайитишга қаратилган тадбирлар асосан: аварияларни локализациялаш, ишлаб чиқариш технологик жараёнларини тўхтатиш ёки ўзгартириш, ёнғинни олдини олиш ёки уни ўчириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Қутқариш ва бошқа турдаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар жумласига бошқариш органларини, куч ва воситаларни тайёр ҳолатга келтириш, зарарланиш ўчоғини разведка қилиш ва мавжуд ҳолатни баҳолаш каби вазифалар киради.

Иккинчи босқич вазифаларига фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш бўйича қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш киради. Бу ишлар узлуксиз равишда, қутқарувчилар ва бартараф этувчилар сменаларини алмаштирган ҳолда хавфсизлик техникаси ва эҳтиёт чораларига тўлиқ амал қилиб бажарилиши шарт.

Қутқарув ишлари жароҳатланганларни кидириб топиш, уларни ёнадиган бинолар, харобалар, транспорт воситалари ичидан олиб чиқиш, одамларни хавфли хоналардан эвакуация қилиш, жароҳатланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва шу каби бошқа ёрдамларни амалга ошириш ишларини ўз ичига олади.

Кечиктириб бўлмайдиган ишлар жумласига эса ёнғинни локализациялаш ва ўчириш, конструкцияларни мустаҳкамлаш, қутқарув ишларини амалга ошириш мақсадида коммунал-энергетик тармоқларни, алоқа ва йўлларни тиклаш, одамларга санитар ишлов бериш, дезактивациялаш ва дегазациялаш ишларини амалга ошириш каби вазифалар киради.

Қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишлар жумласига аҳолини барча турдаги воситалар билан тامينлаш, жумладан, уларни хавфсиз жойларга жойлаштириш, озиқ-овқат ва сув билан тامينлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда моддий ва молиявий ёрдамлар беришни амалга ошириш каби вазифалар ҳам киради.

Учинчи босқич вазифаларига авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатлар юз берган районлардаги аҳоли фаолиятини тامينлаш масалалари киради. Бу мақсадда турар жойларни тиклаш ёки вақтинчалик турар жойлар барпо этиш, энергия ва сув таъминотини, алоқа тармоқларини, коммунал хизмат объектларини тиклаш, зарарланиш ўчоғига санитар ишлов бериш, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бирламчи эҳтиёж буюмлари билан ёрдам кўрсатиш

ишлари амалга оширилади. Ушбу босқич ниҳоясида эвакуация қилинган аҳоли ўз жойларига қайтарилади ва халқ хўжалик объектларининг ишлаши тикланади.

Айрим фавқулодда ҳолатларнинг содир бўлиши олдиндан аниқланиши мумкин. Бундай ҳолатларда амалга оширилиши лозим бўлган барча ишлар олдиндан ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилади. Режада асосан икки хил кўринишдаги тадбирлар белгиланади.

Биринчи гуруҳдаги тадбирлар аҳолини ҳимоялаш мақсадида амалга оширилади. Бу тадбирларга - аҳолига хавф тўғрисида маълумот бериш ва хабар бериш; ҳимоя воситаларини тайёр ҳолга келтириш; бошқариш системалари ва воситаларининг тайёрлигини текшириб кўриш; шахсий ҳимоя воситаларини аҳолига тарқатишга тайёрлаш ва тарқатиш; тиббий профилактика, санитар ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш; эвакуацияга тайёрланиш ва талаб этилган шароитларга хавф таҳдид соладиган районларда аҳолини эвакуация қилиш каби вазифалар киради.

Иккинчи гуруҳ тадбирларига фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омилларини бартараф этишга қаратилган вазифалар киради. Бу тадбирларга-халқ хўжалиги объектлари ишини тўхтатиш ёки иш режимини ўзгартириш; энергия, сув, газ системаси иш режимини ўзгартириш ёки вақтинча тўхтатиш; мавжуд муҳандислик иншоотларини мустаҳкамлаш ёки кўшимча қуриш; ёнғинга қарши тадбирлар ўтказиш; хавфли районлардан моддий бойликлар ва чорва молларини олиб чиқиш; озиқ-овқат, озиқа хом ашёси ва сув манбаларини ҳимоялаш каби ишлар киради.

Фавқулодда ҳолатлар содир бўлганлиги тўғрисида хабар олингач, биринчи навбатда берилган маълумотларни тўғрилиги текширилиб, кўшимча ахборот ва маълумотлар олиш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Чунки, турли хил фавқулодда ҳолатларнинг ҳар хил шароитлардаги оқибатлари турлича бўлиши мумкин. Шу сабабли дастлаб фавқулодда ҳолатлар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган иккиламчи, учламчи ва бошқа хавфли омиллар аниқланиб, кейингина комплекс тадбирлар амалга оширилади.

3.3 Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Атрофимиздаги табиат миллионлаб йиллар давомида юзага келган ҳамда ўзининг мураккаб қонунларига риоя қилган ҳолда яшайди. Ана шу табиат билан инсон ўртасида мураккаб мувозанат мавжуд. Ўзбекистон Республикамиз азалдан ўз табиатининг гўзаллиги билан оламга машҳур бўлган ва бу ҳудудида қадимдан чорвачилик, деҳқончилик, суғориш иншоотлари қуриш, балиқчилик, ипакчилик, пахтачилик ва асаларичилик ривожланган. Аجدодларимиз ўзлари яшаган масканни босқинчилардан ҳимоя қилганлар, унинг табиатини асраб-авайлаганлар, доим авлодларга озод ва обод Ватанни қолдириш учун ҳаркат қилганлар. Улар ўзларини табиатнинг фарзандлари деб билганлар. Бу алломаларимиз Махмуд Қошғарий, Беруний, Хоразмий, Фаробий, Абу Али ибн Сино, Бобур асарларида яққол кўзга ташланади.

«Экология» тушунчаси илк бор 1866 йилда истеъмолга киритилган бўлсада, боболаримиз бу тушунчани анча илгари англаб, уни ўз турмуш ва фаолиятларининг моҳиятига айлантирган эдилар: сувга аҳлат ташламаслик, фарзанд туғилганда ниҳол ўтказиш, хазон ёқмаслик ўша даврдаги кенг тарқалган удумларимиз ҳисобланади. Алломаларимиз табиатдаги мавжуд мувозанатни бузмасликка катта эътибор берганларки, бугунга келиб бундай қараш экология тушунчасининг асосига айланди. Табиатни асраб-авайлаш, мамлакатни гўзал боғга айлантириш буюк бобомиз Амир Темури замонидан айниқса катта эътибор касб этади. Соҳибқироннинг табиатни беҳад қадрлаши, экологик вазиятни эътиборга олиши, ҳусусан, ўз салтанати пойтахти Самарканд шаҳрини яна ҳам кўкаламзорлаштириш учун жуда кўп боғлар барпо этганлиги эътиборни тортади. Соҳибқирон бобомиз табиат инсон ҳаётида катта ўрин тутишини яхши билган, табиий мувозанатни сақлаш лозимлиги таъкидлаб келган. Замонавий экология нуқтаи назаридан қараганда табиатни асраш ишида ботаника боғи, қўриқхоналар жуда муҳим ўрин тутаяди. Табиат - бу тирик организмдир; у ҳар бир бузилган ери учун инсондан шафқатсиз равишда уч олиши мумкин.

XX асрда одамлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан табиий муҳит орасидаги муносабат тобора кескинлаша бошлади. Бунинг асосий сабаби одамлар фаолиятини табиатга нисбатан жиддий кучайишидир. Маълумки ҳайвонлар табиатдан фақат фойдаландилар унда яшайдилар ва фақат шу сабабли у ёки бу ўзгаришлар содир бўлади Одамлар эса турли туман усуллар билан табиатни ўз манфаатлари учун хизмат қилишга мажбур этиб уни устидан ҳукмронлик қилишга уринадилар. Натижада табиий шароитда туб ўзгаришлар содир бўлиб турли зиддиятларга олиб келади, бу экология мазмунини тўлдириш зарурлигини тақоза қилади. Чунки кўп ҳолларда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини яшаш шароити, кишилар фаолиятига тўла боғлиқ бўлиб қолади. Шундай қилиб, экология кишиларнинг фаолиятини умумий ҳаётини белгиловчи табиий муҳитга таъсирини ўрганиб уни башорат қилувчи ва салбий оқибатларини бартараф қилиш чора-тадбирларини илмий асосини яратувчи фандир. Атроф-муҳитни муаммоларини ўрганиш ва уни ҳал қилиш жараёнида экологиянинг табиий, аниқ ва ижтимоий фанлар билан уйғунлашувида амалга ошади. Ҳозирда экология «Табиат ва жамият ўзаро алоқадорлигининг умумий қонуниятлари тўғрисидаги фан»га айланиб бормокда.

Ҳар қандай жамиятда ҳам инсонни экологик жиҳатидан тарбиялаш умумий таълим-тарбиянинг масъулиятини ошириш ва янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Аҳоли онгига ”табиат бу мен ва сен. Биз яшайдиган макон, табиат бутун Ер қурраси мавжудотлари яшайдиган ягона замин” деган асосий назарий ва амалий билимларни сингдириш лозимдир. Зеро ҳаёт кишилардан атроф-муҳитни нафақат бугунги кун учун, балки келажак авлод учун ҳам асраш учун талаб қилмоқда. Жаҳоннинг барча мамалакатларида экологик муаммоларни ўрганиш борасидаги илмий изланишлар халқ соғлиғини сақлаш учун қилинган ҳайрли ишлардан ҳисобланади. Табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни оптималлаштириш туб маънода ҳар бир давлатнинг табиатни муҳофаза соҳасида тўтаётган экологик сиёсатиға боғлиқ. Аслида экологик сиёсат иқтисодий ривожланишни белгилайди, ишлаб чиқариш жараёнида

табiiй ресурслардан қанчалик оқилона фойдаланилса, тайёр моддий маҳсулот миқдори жиҳатидан мўл-кўл, сифат жиҳатидан олий даражалиги билан ажралиб туради. Табiiй бойликдан интенсив усулда фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш, атроф-муҳитни ифлослантиришга йўл қўйиш ҳудуд иқтисодиётини инқирозга тутишга олиб келади. Табиат-жамият тизимида ижобий тараққиёт барқарор ривожлантириш керак, бу ҳол аксарият экологик сиёсатнинг мазмуни ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги ва ижронинг қатъиятлигига боғлиқ. Табиат-жамият-шахс тизимида ишлаб чиқаришни бошқариш ягона экологик сиёсатсиз тегишли самара бермаслиги барчага аён.

Ҳозирги вақтда экологик сиёсатни ишлаб чиқаришда дунёда муаян тажриба тўпланган. Давлат ва унинг жойлардаги марказий маҳаллий, ишлаб чиқариш, жамоат ва бошқа даражалардаги органларнинг асосий уч соҳадаги тартибга солиб турувчи фаолиятини ўз ичига олади. Бу соҳалар жамиятнинг атрофдаги табiiй муҳит билан мавжуд ва потенциал ўзаро алоқаларга даҳилдордир:

Биринчидан, бу гўё табиатни «консерватив» муҳофаза қилиш, яъни кўриқхоналар ҳудудлари, миллий боғлар ва ўрмонлар, биосфера кўриқхоналари ҳамда табиатни муҳофазалаш объектларини эҳтиётлаш, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот оламини табiiй ҳолатда сақлашнинг ташкилий-ҳуқуқий чораларини ишлаб чиқиш.

Иккинчидан, табиатни муҳофазалайдиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиатдаги экологик мувозанатни ҳисобга олиб, ҳудудларни ҳариталаш, ҳом-ашё ва энергия манбаларидан тўғри фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб олишни тартибга солиш ва бошқалар:

Учинчидан, сув, ҳаво ва ерларни муҳофаза қилиш, шовқин-сурон ва радиацияга қарши кўраш, чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкил этиш, аҳоли дам олиши учун қулай шароитлар яратиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Фан ва техника тараққиёти жадалашган ҳозирги вақтда унинг экологик оқибати бутун биосфера миқёсида сезилаётганлиги ҳар бир давлатнинг

мақсадига мувофиқ ҳолда экологик сиёсат юргизишга даъват этади. Чунки атмосфера ҳавосига, Дунё океанларига чиқарилаётган турли хил чиқиндилар оз-оздан кўпайиб бормокда. Даврнинг ўзи, мамлакатда табиат муҳофазаси учун ҳар бир фуқаро фаол кўраш олиб боришни тақазо этади. Чунончи бу фалокат ҳамма учун келади. Бунинг тушунган ҳар бир фуқаро табиатни муҳофаза қилишга фаол иштирок этиши керак бўлади. Ҳаво чегара билмайди, маълум ҳудудда чиқаётган чиқиндилар кўшни ҳудудларга тарқалишини биламиз. Чунончи Франция, Германия ва Англия ҳудудларида кўтрилган азот ва олтингугурт оксидлари Скандинавия ярим оролларидаги Нарвегия, Швеция ва Финляндия устида сув буғлари билан аралашиб шу жойларда «кислотали ёмғир» сифатида тушади. АҚШ нинг шимолий-шарқий ҳудудларида кўтарилган кислота ҳосил қилувчи газлар Канада ҳудудидан ўтиб, “кислотали ёмғир” бўлиб тушади. Бунинг оқибатида Канадаги 14 минг кўлда ҳаёт йўқ, Швециядаги 85 минг кўл ва 100 минг км. масофадаги дарё ва дарё ирмоқларидаги сув ифлосланган. Экологик сиёсат бундай нохушликларни олдини олишга амалий тадбирлар кўришга умуминсониятда бир-бирига яхши қўшничиликдан келиб чиқаиши керак.

Экологик сиёсатнинг негизи, тартиб-қоидалари, илмий таҳасислари, давлат ва жамият ташкилотларининг йўл-йўриқлари асосида ишлаб чиқилади. Ўзбекистонда экологик сиёсатни амалга оширишда унинг юқори органлари (Президент, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси) ва жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар фаол хизмат қиладилар.

Экологик сиёсатни мамлакат миқёсида табиатни муҳофаза қилиш, мажмуали мониторинг, давлат ва жамоатчилик экспертизаларини ўтказиш, эковазиятни назорат қилиш, таркиб топган ноқобул ҳодиса ва жараёнларни олдини олиш, атроф-муҳит тозалигини барқарор сақлаб туриш табиий муҳитнинг инсон учун қулай барча хусусиятларини табиий ҳолда бўлишга асосланган. Экологик сиёсатнинг мазмуни ва услубиётлари мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган табиат муҳофазаси тизимига кирувчим таянч

муассаса ва ташкилотлар, бошқармаларга асосланади.

Республикамизда экологик сиёсатни ҳаётга татбиқ қилиш вазиятни соғламлаштириш, атроф-муҳитни ифлослагнишининг олдини олиш, таркиб топган табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини босқичма-босқич ечиб бориш мақсадида давлат дастурлари ишлаб чиқарилиб амалга ошириширилади. Давлат дастурлари давлатлараро, давлат, ҳудудий бўлиши мумкин.

Давлат экологик дастури илк бор 1986 йилда «Ўзбекистонда атроф-муҳитни 1986-1990 йиллар ва 2000 йилларга қадар муҳофаза қилиш мажмуали илмий-техник дастури» ишлаб чиқилди.

1997-1999 йиллар мобайнида мамлакатнинг 2000-2005 йиллар ва ўзоқ истиқболда 2010 йилларгач мўлжалланган янги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича миллий ҳаркат режаси» ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда етук мўтахассислар, кўзга кўринган олимлар ва табиатни муҳофаза билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳамда чет эллик экспертлар ўз хиссасини кўшдилар. Янги дастур табиатни муҳофаза қилиш бўйича кенг қамровлиги, Дунё андозаларига жавоб берувчи, аниқ маълумотлар билан ҳозирги мавжуд эковазиятни ҳаққоний баҳолагани, маълум йиллар мобайнида босқичма-босқич амалага оширишга қилинадиган ишлар кўлами атрофийча асосолаб берилгани билан фарқланади. Унда асосий экологик муаммолар, устивор ҳаркатлар, табиатни муҳофазаси соҳасида сиёсатни ишлаб чиқариш ва инструкционал рамкалар, ҳаркат дастурлари, иловалар, қўшимчалар, чизмалар,жадваллар берилган.

Экологик сиёсатнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини кўриб чиқадиган бўлсак. Табиий муҳитни ифлослантиручи моддаларни РЭМ ёки РЭК орқали меъёри чиқарилишини назорат қилиш керак бўлади. Ҳозиргача ҳавода зарарли газ буғлар аэрозолларнинг 445 таси ва аҳолии пунктларининг ҳавосида мавжуд бўлиши мумкин бўлган 109 та моддаланинг РЭМ и аниқланилган. Экологик шароитни яхшилаш мақсадида Президентнинг 1990 йил 28 июлда қабул қилган қарорида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ

аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланишни яхшилаш тўғриси»даги бўлганлиги, кейингиси «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ ижтимоий инфратизимини ривожлантириш дастури тўғрисида» 1996 йил 21 май қарори чиққан.

ХУЛОСА

Ахборот технологияларининг ривожланиши нафақат электрон ҳисоблаш тизимлари орқали, балки мультимедия, киноматография ва телевидения соҳаларидаги улкан ўзгаришлар орқали акс этмоқда. Бундай мультимедия тизимидаги ўзгаришлар киноматографияда ва телевиденияда томошабинларга керакли ғояни аниқ ва хоҳлаган усулда етказиш имконини бермоқда.

Киноматография ва телевидения соҳасида реклама, ҳар хил роликлар, кўрсатувлар, фильмлар ҳозирда жуда сифатли кўринишда етказилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004-йил 16-мартда қабул қилинган «Киноматография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ кино санъати билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратиш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намоиш этиш тизимининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳага қаратилаётган доимий эътибор самарасида давлат ва нодавлат студиялари, кинотеатрлар, янги ташкилий тузилмалар фаолияти кенг йўлга қўйилди. Бу истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, миллий анъана ва қадриятларимиз, бой маънавий меросимиз, буюк аجدодларимизнинг ибратли ҳаёти акс эттирилган асарларни томошабинларга тақдим этишда муҳим омил бўлмоқда.

Битирув малакавий ишининг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишида Видеомонтаж дастурларидан фойдаланиб фильм титрлари учун стоп кадрлар ҳосил қилиш мақсадида бир қанча вазифалар амалга оширилди ва қуйидаги натижаларга эришилди:

- Кино санъатининг техникавий ва бадиий асосларини ўрганиб чиқилди;
- Тирт тушунчаси билан танишиб чиқилди;
- Стоп кадр яратишда фойдаланиладиган дастурий таъминотни ўрганилди ва уш дастурлар тўғрисида кўникма ҳосил қилинди;

- Adobe After Effects дастурида фильм титрлари учун стоп кадр ҳосил қилинди;
- Ulead Video Studio дастурида монтаж қилиш жараёни.

Битирув малакавий иши хулосаси ва якуни сифатида шуни айтиш лозимки, ушбу фильмлар учун стоп кадрлар ҳосил қилиш жараёнида Adobe After Effects дастури ва Ulead Video Studio дастурларида фильм титрлари учун стоп кадр ҳосил қилинди ва стоп кадрлар ҳосил қилиш жараёнларини ёритиб бериш амалга оширилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни. 1992 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 2003 йил.
4. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш тўғрисида» 20.08.1999 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонуни.
5. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Т.: Маънавият нашриёти. 2008 йил. *И. А. Каримов «Ўзбекистон ХХІ аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қароратлари».* «Ўзбекистон» 1997.
6. И. А. Каримов «Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда», «Ўзбекистон»,1999.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги 2002 йил 30 май ПФ-3080-сонли фармони Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2002. -10-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ахборотлаштириш соҳасида норматив – ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида” Қарори
9. Резников, Ф.Н., Комягин, В.Б.Видеомонтаж на персональном компьютере Adobe Premiere Pro 6.Н ва Adobe After Effekt 5. Н. 2003 г
10. Кирьянов Д.В., Кирьянова Е.Н. Самоучитель Adobe Premiere ВНУ - Санкт – Петербург 2003. 470 с.
11. С Бондаренко, М Бондаренко “Трюки Эффекты” Adobe After Effects

Москва 2007 йил.

12. Vladimir Verstak “Секреты Мастерства” Adobe After Effects Москва 2006 йил.
13. Михаил Маров “Эффективная Работа” Adobe After Effects Москва 2006 йил.
14. М Двораковская “Плагины для Adobe After Effects” Москва 2003 йил.
15. Загуменнов А. П. Компьютерда овозни кайта ишлаш. Тўлик йўл йўриқлар. — М.: 2004
16. Казаков А. Adobe Premiere 6. Справочник 2004 2004. -106 с.
17. Александр Иванов Видеомонтаж на компьютере 2002.- 460 с.
18. Соколов Алексей Георгиевич “Монтаж” 2004 г.
19. Кирьянов Д.В., Кирьянова Е.Н. Самоучитель Adobe Premiere BHV - Санкт – Петербург 2003. 470 с.
20. Александр Лавров Adobe Premier 2003. 49 с.
21. Экология и безопасность жизнедеятельности: Учебное пособие для студентов ВУЗов/ ред. Л. А. Муравий, 2002.
22. Белов С.В. Безопасность жизнедеятельности М.: Высшая школа. 2003.
23. Ёрматов Ғ.Ё.,Исамухамедов Ё.У. Меҳнатнимухофазақилиш. Дарслик. Ўзбекистаннашриёти. Тошкент 2002.
24. www.ziynet.uz – Ўзбекистон таълим портали.
25. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
26. http://ru.m.wikipedia.org/wiki/Adobe_After_Effects

